

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ

26-сон
(942)
2020 йил
6 июль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

285. «2007 йил 27 июндаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликдаги ҳарбий ўқувларни ўтказиш тўғрисидаги Битимга қўшимчалар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2019 йил 29 апрель) ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 июндаги ЎРҚ–624-сон Қонуни

286. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 июндаги ЎРҚ–625-сон Қонуни

287. «Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 2 июлдаги ЎРҚ–626-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

288. «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини та-

- комиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ–6013-сон Фармони
289. «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПФ–6017-сон Фармони
290. «Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини синаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июндаги ПҚ–4760-сон қарори
291. «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПҚ–4761-сон қарори
292. «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПҚ–4765-сон қарори
293. «Табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси шаклидаги Китоб геология миллий табиат боғини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПҚ–4766-сон қарори
294. «Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПҚ–4767-сон қарори
295. «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПҚ–4768-сон қарори
296. «Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 июлдаги ПҚ–4771-сон қарори
297. «Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилиш чоралар кўриш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июлдаги ПҚ–4772-сон қарори
298. «Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 июлдаги ПҚ–4776-сон қарори

Бешинчи бўлим

299. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 26 июндаги

147-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари хузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3250*)

300. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/3-сон «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-12*)

301. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 7-мх-сон, 21-2020-қ/қ-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3058-1*)

302. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 29 июндаги 150-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-10*)

303. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2020 йил 30 майдаги 377-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2658-3*)

304. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 1 июлдаги 121-сон «Тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини тайинлаш, халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецептларни расмийлаштириш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3277*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида маълумот

Тузатиш

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

285 2007 йил 27 июндаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликдаги ҳарбий ўқувларни ўтказиш тўғрисидаги Битимга қўшимчалар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2019 йил 29 апрель) ратификация қилиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 5 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда
маъқулланган

2007 йил 27 июндаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликдаги ҳарбий ўқувларни ўтказиш тўғрисидаги Битимга қўшимчалар киритиш ҳақидаги Баённома (Бишкек, 2019 йил 29 апрель) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июнь,
ЎРҚ-624-сон

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 1 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

286 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 23 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **11-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкум шахсий хавфсизлик ҳуқуқига эга.

Интизомий қисмга жўнатишга ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг шахсий хавфсизлигига таҳдид юзага келган тақдирда, у ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги ариза (хабар) билан жазони ижро этиш муассасасининг ёки органининг ҳар қандай ходимиغا оғзаки ёки ёзма равишда мурожаат қилишга ҳақли. Маҳкумнинг аризасини (хабарини) қабул қилган ходим зудлик билан уни жазони ижро этиш муассасасининг ёки органининг бошлиғига тақдим этади.

Маҳкумнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги аризаси (хабари) маҳкумларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги аризаларини (хабарларини) қайд этиш китобида жазони ижро этиш муассасасининг ёки органининг масъул шахси томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Жазони ижро этиш муассасаси ёки органи бошлиғи шахсий хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги аризани (хабарни) олгандан сўнг маҳкумни хавфсиз жойга вақтинчалик жойлаштириши шарт.

Жазони ижро этиш муассасаси ёки органи бошлиғи шахсий хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги аризани (хабарни) кўриб чиқади ва маҳкум-

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 1 июлда эълон қилинган.

га нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида ёхуд уларни қўллашни рад этиш ҳақида уч сутка ичида қарор қабул қилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда маҳкумга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор дарҳол қабул қилинади.

Маҳкум қабул қилинган қарор билан имзо қўйдириб таништирилади.

Хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисидаги ёки уларни қўллашни рад этиш ҳақидаги қарор устидан юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиниши мумкин. Шикоят берилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Жазони ижро этиш муассасаси ёки органи бошлиғи маҳкумнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган хавфсизлик чораларини қўллайди.

Хавфсиз жойга ўтказилган маҳкум жазони бу ерга ўтказилгунига қадар белгиланган сақлаш шароитларида ўтайди»;

2) 67-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, уларнинг буюмлари ва кийимлари, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларининг объектлари ва хоналари тинтув қилиниши ҳамда кўздан кечирилиши мумкин. Шахсий тинтув маҳкум билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан амалга оширилади.

Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятлар, тақиқланган нарсалар ва буюмлар сақланаётганлиги ҳақида ахборот келиб тушган ҳолларда, жазони ижро этиш муассасаларининг турар жойларини уларда маҳкумлар бўлганда тинтув қилишга йўл қўйилади.

Тинтув ўтказиш чоғида маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ва махсус воситалар қўлланилиши тақиқланади, бундан маҳкумларнинг тинтувни амалга ошираётган ходимга, бошқа маҳкумларга ёки ўзга шахсларга нисбатан ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларининг, шунингдек маҳкумлар томонидан ўзига ўзи зарар етказишининг олдини олиш ҳоллари мустасно»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) 76-модданинг **саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкумнинг илтимосига кўра узоқ муддатли учрашув қисқа муддатли учрашувга ёки масофали видео-учрашувга ёхуд телефон орқали сўзлашувга, қисқа муддатли учрашув эса масофали видео-учрашувга ёки телефон орқали сўзлашувга алмаштирилади.

Маҳкумлар учун масофали видео-учрашувлар жазони ижро этиш муассасаси ва органи томонидан ташкил этилади. Масофали видео-учрашув ҳимояланган алоқа каналлари орқали видеоконференция тизими воситасида амалга оширилади»;

4) **79-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Прокурор ёки суд номига йўлланган таклиф, ариза ва шикоятлар кўздан кечирилмайди ҳамда бир суткалик муддат ичида тегишлилиги бўйича жўнатилади. Хавфсизлик чораларини қўллаш ҳақидаги ёки уларни қўллашни рад этиш тўғрисидаги қарорлар устидан шикоятлар тегишлилиги бўйича дарҳол жўнатилади»;

5) **102-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан қуйидаги мезонлар асосида рағбатлантириш чоралари қўлланилади:

меҳнатга ва таълимга виждонан ёндашиш;

тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этиш;

муассасанинг ички тартиб-қоидаларига риоя этиш.

Озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилади:

ташақкур эълон қилиш;

илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш;

ёрлик, қимматли совға ёки пул мукофоти билан тақдирлаш;

қўшимча посилка, йўқлов ёки бандерол олишга рухсат этиш;

қўшимча учрашув ёки телефон орқали сўзлашув ҳуқуқини бериш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун пул суммасини кўпайтириш;

енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш, манзил-колонияларда сақланаётган шахслар бундан мустасно.

Енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш тариқасидаги рағбатлантириш маҳкумларга ушбу Кодекс 75-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ қўшимча пул сарфлаш ҳуқуқини, шунингдек:

умумий, қаттиқ тартибли колонияларда ва тарбия колонияларида — йил мобайнида қўшимча равишда бир марта учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта посилка ёки йўқлов олиш;

махсус тартибли колонияларда — камералардан умумий турар жойларга ўтказиш ҳамда йил мобайнида қўшимча равишда бир марта қисқа муддатли учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта бандерол олиш;

турмаларда — йил мобайнида қўшимча равишда бир марта қисқа муддатли учрашув, битта посилка ёки йўқлов олиш ҳуқуқини беради»;

6) қуйидаги **мазмундаги 102¹-модда** билан тўлдирилсин:

«102¹-модда. Рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби

Маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш ҳар йили камида икки марта, шунингдек байрам кунлари муносабати билан кўриб чиқилади.

Маҳкумларни рағбатлантириш масалалари, шу жумладан қўлланилаётган рағбатлантириш чораларининг ушбу Кодекс 102-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган мезонларга мувофиқлиги жазони ижро этиш муассасасида тузилган комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Комиссия жазони ижро этиш муассасасининг ходимлари, шунингдек жамоатчилик вакиллари орасидан камида саккиз нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Комиссия таркибига жамоатчилик вакиллари, қоида тариқасида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) минтақавий вакиллари, ўзини ўзи бошқариш органларининг, жамоат ташкилотларининг ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган вакиллари кирази.

Жамоатчилик вакиллари комиссия аъзолари умумий сонининг ярмини ташкил этиши керак. Жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи комиссиянинг раиси ҳисобланади.

Маҳкумни рағбатлантириш учун тавсия этиш, зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва комиссия аъзоларига тақдим этиш отряд бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Комиссия мажлиси ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатлардан бир ҳафта илгари ўтказилади.

Комиссия аъзолари рағбатлантириш учун тавсия этилган маҳкум билан унинг ҳулқ-атвори белгиланган мезонларга мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқбат ўтказилади.

Комиссия қарори мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан, очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган тақдирда, маҳкумни рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Комиссия қарори мажлисда ҳозир бўлган комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Комиссиянинг маҳкумга нисбатан рағбатлантириш чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни ўз ичига олган баённомасига мувофиқ жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг буйруғи уч иш куни ичида чиқарилади ва унинг мазмуни маҳкумга эълон қилинади.

Комиссияни тузиш ва фаолиятини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади»;

7) 125-модда:

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Вояга етмаган маҳкумларга ота-онаси ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувлар чекланмаган миқдорда берилади»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

8) 130-модданинг иккинчи қисми қўйидаги мазмундаги **иккинчи — бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан бир йил ичида тўрт марта, муддати беш суткагача бўлган узоқ муддатли учрашув, манзил-колонида сақланаётганларга эса, ишдан бўш вақтда муассаса ҳудудидан ташқарида яшаш имконияти билан узоқ муддатли учрашувлар чекланмаган миқдорда берилади.

Маҳкума аёлларнинг вояга етмаган болалари билан учрашишига ўзининг шахсини, қариндошлигини ёки васийлигини (ҳомийлигини) тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим этган тақдирда битта яқин қариндоши ёки васий (ҳомий) кузатувида йўл қўйилади.

Маҳкума аёлларнинг вояга етмаган болалари билан учрашувлари ушбу Кодексда белгиланган учрашувларга қўшиб ҳисобланмайди.

Маҳкума аёлларнинг муассасадан ташқаридаги болалар уйларидаги вояга етмаган болалар билан учрашувлари маҳкума аёлларнинг илтимосига кўра амалга оширилади»;

9) 132-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкума аёллар уч ёшга тўлмаган болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштиришга ва ишдан бўш вақтида улар билан чекланмаган миқдорда мулоқотда бўлишга ҳақли».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июнь,
ЎРҚ-625-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

287 Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 18 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Геодезия ва картография фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Геодезия ва картография фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг геодезия ва картография фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

географик ахборот тизими — географик объектлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш, сақлаш, моделлаштириш ва акс эттириш учун, шунингдек картографияга оид ахборотдан фойдаланган ҳолда умумдават аҳамиятига ёки тармоқ аҳамиятига молик ахборотга ва ҳисоб-китобга доир вазифаларни ҳал этиш учун мўлжалланган автоматлаштирилган тизим;

геодезия — Ер шаклини, ташқи гравитация майдонини, ер сатҳининг координата нуқталарини ва уларнинг вақт бўйича ўзгаришларини аниқлаш бўйича илмий, таълим, ишлаб чиқариш ҳамда бошқа фаолият жараёнида юзага келадиган муносабатлар соҳаси;

геодезия ва картография фаолияти — Ер шаклининг, ташқи гравитация майдонининг параметрларини, ер сатҳининг координата нуқталарини ва уларнинг вақт бўйича ўзгаришларини аниқлашга, давлат геодезия, гравиметрия ва нивелир тармоқларини, доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдош орқали кузатиш станциялари тармоғини яратиш, ривожлантириш ва ишлаш ҳолатида сақлаб туришга, давлат кадастрлари, геофазовий маъ-

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 3 июлда эълон қилинган.

лумотлар банклари (базалари) ва геоахборот тизимлари учун топографик, тематик хариталар, режаларни ва картографик асосни яратишга ҳамда янгилашга қаратилган илмий, ишлаб чиқариш ва бошқарув фаолияти;

геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) — ахборотни қайд этиш тури ва усулидан қатъи назар, геодезия ва картография фаолияти амалга оширилаётганда олинган геодезия, нивелир, гравиметрия ўлчовларининг, аэрокосмик ва картографик тасвирларнинг барча якуний ва оралиқ натижалари;

гравиметрия тармоғи — ер сатҳидаги оғирлик кучининг миқдорлари маълум бўлган геодезия пунктлари тизими;

Ерни масофадан туриб зондлаш — Ер сатҳи ҳақидаги, ундаги ёки унинг қаъридаги объектлар тўғрисидаги ахборотни контактсиз усуллар орқали олиш жараёни;

картография — фазовий (геофазовий) маълумотларни, шу жумладан ахборот (геоахборот) тизимларидан фойдаланган ҳолда ўрганиш, яратиш, улардан фойдаланиш, уларни ўзгартириш ва акс эттириш бўйича илмий, таълим, ишлаб чиқариш ҳамда бошқа фаолият жараёнида юзага келадиган муносабатлар соҳаси;

картографик мониторинг — жойнинг ҳолатини картографик жиҳатдан ўрганиш мақсадида ер юзасини узлуксиз кузатиш тизими;

тематик харита, режа, атлас — асосий мазмуни аниқ мавзу, сюжет, табиий ёки ижтимоий ҳодисалар ёхуд уларнинг бирикуви билан белгиланадиган картографияга доир материаллар;

топографик харита — жойнинг муайян масштабдаги батафсил картографик тасвири бўлиб, у ер юзасида нуқталарнинг ҳам режадаги, ҳам баландликдаги ҳолатини аниқлаш имконини беради;

топографик тасвирга олиш жараёни — топографик хаританинг ёки режанинг тасвирга олинган асл нусхасини олиш мақсадида бажариладиган ишлар мажмуи;

топографик режа — жойнинг чекланган участкасини текис юзада ортогонал проекцияда, йирик масштабда картографик жиҳатдан тасвирлаш бўлиб, унинг чегарасидаги текисланган сатҳнинг эгрилиги ҳисобга олинмайди;

фазовий маълумотлар инфратузилмаси — базавий ва ихтисослашган фазовий маълумотларнинг, метамаълумотларнинг, стандартларнинг ва регламентларнинг, ахборот узатиш тармоқларининг, геосервисларнинг географик ахборот ресурсларидан фойдаланиш ва уларни алмашиш тизими;

Фазовий маълумотларнинг миллий инфратузилмаси — ташкилий тузилма, илмий-техника сиёсати, техник ва дастурий воситалар, базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлар, метамаълумотлар ҳамда метамаълумотлар базаларини, фазовий маълумотлар сервисларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни, халқаро стандартларни ўз ичига оладиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилиши мумкин бўлган фазовий маълумотларни ишлаб чиқиш, янгилаш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш, бериш, ин-

теграциялаш ҳамда улардан фойдаланиш масалаларига доир Ўзбекистон Республикаси давлат стандартларини ўз ичига оладиган тизим;

фазовий (геофазовий) маълумотлар — жойдаги объектларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, муайян шаклда ҳамда координаталар тизимларида ифодаланган ахборот;

Ўзбекистон Республикасининг навбатчи маълумотнома тарзидаги харитаси — навбатчи картография ҳужжати сифатида хариталар ва режаларни яратиш ҳамда янгилаш чоғида фойдаланиладиган топографик харита бўлиб, унда маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг жойлашувида рўй бераётган ўзгаришлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг янгилаб бориладиган ҳамда янгидан яратиладиган хариталари ва режаларида ҳисобга олиниши ҳамда акс эттирилиши лозим бўлган географик объектлардаги ва уларнинг номларидаги ўзгаришлар мунтазам равишда акс эттириб борилади;

делимитация қилиш — тузилган шартномага мувофиқ чегарадош давлатлар ўртасидаги давлат чегараси чизигини аниқлаш, унинг келиб чиқишини тавсифлаш ва уни харитада график акс эттириш;

демаркация қилиш — давлат чегараси чизигини делимитация қилиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ жойларда чегара белгиларини ўрнатиш йўли билан белгилаш.

4-модда. Геодезия ва картография фаолиятини амалга оширишнинг асосий принциплари

Геодезия ва картография фаолиятини амалга оширишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

геодезия ва картография фаолиятининг тизимлилиги ҳамда узлуксизлиги;

геодезия ва картографияга доир материалларнинг (маълумотларнинг) тўлиқлиги, ишончлилиги ҳамда долзарблиги;

геодезия ва картографияга оид ишларни бажариш чоғида ўлчовларнинг бирлиги;

хариталар ва режаларни яратиш ҳамда янгилашда шартли белгиларни бирхиллаштириш ва географик объектларнинг номларидан бир хилда фойдаланиш.

5-модда. Геодезия ва картография фаолиятининг тизимлилиги ҳамда узлуксизлиги

Геодезия ва картография фаолиятининг тизимлилиги принципи фазовий маълумотларни йиғиш ва уларга ишлов бериш чоғида давлат геодезия координаталарининг, баландликларининг, гравиметрия ўлчовларининг тизимларини ҳамда давлат топографик хариталари ва режаларининг масштаб қаторини ишлаб чиқиш ҳамда қўллашдан иборатдир.

Геодезия ва картография фаолиятининг узлуксизлиги принципи давлат топографик хариталари ва режаларини узлуксиз равишда янгилаб бориш йўли билан таъминланади.

6-модда. Геодезия ва картографияга доир материалларнинг (маълумотларнинг) тўлиқлиги, ишончилиги ҳамда долзарблиги

Геодезия ва картографияга доир материалларнинг (маълумотларнинг) тўлиқлиги, ишончилиги ҳамда долзарблиги давлат геодезия, нивелир ва гравиметрия тармоқларини, геодезик зичлаштириш тармоқларини ишлаш ҳолатида сақлаб туриш, давлат топографик хариталари ва режаларини картографик мониторинг қилиш ҳамда узлуксиз равишда янгилаб бориш тизимини жорий этиш йўли билан таъминланади.

7-модда. Геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришда ўлчовларнинг бирлиги

Геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришда ўлчовларнинг бирлигига геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) метрологик жиҳатдан таъминлаш ҳамда стандартлаштириш, сертификатлаштириш, шунингдек метрология назоратини ўтказиш орқали эришилади.

8-модда. Хариталар ва режаларни яратиш ҳамда янгилашда бирхиллаштирилган шартли белгиларни қўллаш ва географик объектларнинг номларидан бир хилда фойдаланиш

Хариталар ва режаларни яратиш ҳамда янгилашда геофазовий объектларни ва уларнинг тавсифларини акс эттириш учун бирхиллаштирилган шартли белгилар, шунингдек Географик объектлар номларининг давлат реестрида рўйхатга олинishi лозим бўлган ёки рўйхатга олинган географик объектларнинг меъёрлаштирилган номлари қўлланилади.

9-модда. Геодезия ва картография фаолиятининг объектлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди, ер шари ҳудуди, космик фазо, шу жумладан табиий ҳамда сунъий осмон жисмлари геодезия ва картография фаолиятининг объектларидир.

10-модда. Геодезия ва картография фаолиятининг субъектлари

Геодезия ва картография фаолиятининг субъектлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари;

махаллий давлат ҳокимияти органлари;

геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир лицензияга эга бўлган юридик шахслар;

геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) сақловчи юридик ва жисмоний шахслар.

**2-боб. Геодезия ва картография фаолияти соҳасини
давлат томонидан тартибга солиш**

**11-модда. Геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги
давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

геодезия координаталарининг, баландликларининг, гравиметрия ўлчовларининг ягона давлат тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, юридик шахсларнинг геодезия ва картографияга оид ишларни бажариш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш;

лицензия талаблари ва шартларига, геодезия ва картографияга доир материаллардан (маълумотлардан) фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат геодезия назоратини амалга ошириш;

геодезия ва картографияга оид ишларнинг, геодезия пунктларининг ҳисобга олинишини таъминлаш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-
нинг геодезия ва картография фаолияти соҳасида-
ги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг ижросини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия координаталарининг, баландликларининг, гравиметрия ўлчовларининг ягона давлат тизимларини, давлат топографик хариталари ва режаларининг масштаб қаторини белгилайди;

давлат геодезия назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;

геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди;

геодезия ва картографияга оид ишларни рўйхатга олиш тартибини белгилайди;

картография-геодезия давлат кадастрини юритиш тартибини белгилайди.

**13-модда. Геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги
махсус ваколатли давлат органи**

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади;

аэрокосмик суратга олишга, топография-геодезияга, картографияга оид ва бошқа текширувларни ҳамда қидирув ишларини амалга оширади;

геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) экспортизадан ўтказиши;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия координаталарининг, баландликларининг, гравиметрия ўлчовларининг ягона давлат тизимларини ҳамда давлат топографик хариталари ва режаларининг масштаб қаторини белгилаш масалалари бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

геодезия ва картография фаолиятини лицензиялашни амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, юридик шахсларнинг геодезия ва картографияга оид ишларни бажариш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштиради;

умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишларни рўйхатга олишни амалга оширади;

давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқларининг ҳамда геодезик зичлаштириш тармоқларининг турлари ва таркибини, шунингдек уларни яратиш тартибини белгилайди;

давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқларини, геодезик зичлаштириш тармоқларини яратади, ривожлантиради ва ишлаш ҳолатида сақлаб туради;

график, рақамли, фотосурат шаклидаги ҳамда бошқа шакллардаги давлат топографик хариталари ва режаларини яратади, янгилайди ҳамда нашр этади;

маҳаллий координаталар тизимларини белгилаш ва улардан фойдаланиш тартибини аниқлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия пунктларининг жойлашиш зичлиги нормаларини белгилайди ҳамда уларнинг жойлашган ерини аниқлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия пунктларининг ҳисобини юритади;

давлат топографик хариталари ва режаларини янгилаш даврийлиги нормаларини белгилайди;

Ернинг картографик мониторингини, уни масофадан туриб зондлашни ва геодинamik тадқиқотларини амалга оширади;

сунъий йўлдош навигация тизимларининг ишлашини таъминлаш учун геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) яратади;

Фазовий маълумотларнинг миллий инфратузилмасини яратади, ривожлантиради ва унинг фаолият кўрсатишини таъминлайди;

Миллий географик ахборот тизимини, умумдавлат аҳамиятига молик бошқа географик ахборот тизимларини яратади ва юритади;

умумгеографик, сиёсий-маъмурий, илмий-маълумотга оид хариталарни ва бошқа тематик хариталарни, шунингдек тармоқлараро аҳамиятга молик атласларни, картография ўқув қўлланмаларини яратади ҳамда нашр этади;

географик объектларнинг номларини белгилашни, меъёрлаштиришни, давлат рўйхатидан ўтказишни, улардан фойдаланишни ва уларни сақлашни, шунингдек Географик объектлар номларининг давлат реестрини юритишни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини делимитация, демаркация (редемаркация) қилиш ва унинг ўтиш чизигини текшириш бўйича чегарадош давлатлар билан музокаралар жараёнини ташкил этиш ҳамда ишларни бажариш учун зарур бўлган геодезия, картография ва гидрографияга оид ишларни амалга оширади, улар асосида материаллар (маълумотлар) тайёрлайди;

геодезия ва картография фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

геодезия, картография ва кадастрга оид ишларни метрологик жиҳатдан таъминлашни ташкил этади;

геодезия ва картографияга оид ишларнинг давлат ҳисобини амалга оширади;

Картография-геодезия давлат кадастрини юритади;

геодезия ва картографияга оид бажарилган ишлар тўғрисидаги техник ҳисоботларга доир талабларни белгилайди;

давлат картография-геодезия фондининг шакллантирилиши ва юритилишини амалга оширади;

давлат геодезия назоратини амалга оширади;

геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техника базасига, асбоб-ускуналарга ва бошқа техник воситаларга доир талабларни белгилайди;

илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишларни бажаради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, юридик ва жисмоний шахсларни геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) билан таъминлайди;

геодезия ва картография фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасининг мудофааси ҳамда миллий хавфсизлигини қўлаб, умумдавлат аҳамиятига ва махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картографияга оид ишларнинг бажарилишини таъминлайди;

натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фойдала-

надиган топография-геодезия ва картографияга оид ишларнинг сифати ус-тидан назоратни амалга оширади.

15-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картографияга оид ишларнинг бажарилишини ўз ваколатлари доирасида ташкил этади ҳамда мувофиқлаштиради.

3-боб. Геодезия ва картографияга оид ишлар

16-модда. Геодезия ва картографияга оид ишларнинг турлари

Геодезия ва картографияга оид ишларнинг турлари жумласига қуйидагилар киради:

умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишлар;
махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картографияга оид ишлар.

17-модда. Умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишлар

Умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишлар жумласига қуйидагилар киради:

Ер шаклининг ва ташқи гравитация майдонининг параметрларини аниқлаш;

давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқларини, геодезик зичлаштириш тармоқларини яратиш, ривожлантириш ва ишлаш ҳолатида сақлаб туриш;

график, рақамли, фотосурат шаклидаги ва бошқа шакллардаги давлат топографик хариталари ҳамда режаларини яратиш, янгилаш ва нашр этиш;

Ернинг картографик мониторингини, уни масофадан туриб зондлашни ва геодинамика тадқиқотларини амалга ошириш;

сунъий йўлдош навигация тизимларининг ишлашини таъминлаш учун геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) яратиш;

Фазовий маълумотларнинг миллий инфратузилмасини яратиш, ривожлантириш ва унинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

Миллий географик ахборот тизимини, умумдавлат аҳамиятига молик бошқа географик ахборот тизимларини яратиш ва юритиш;

картография-геодезия давлат кадастрини юритиш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат картография-геодезия фондини шакллантириш ва юритиш;

умумгеографик, сиёсий-маъмурий, илмий-маълумотга оид ва бошқа тематик хариталар ҳамда тармоқлараро аҳамиятга молик атласлар, картографик ўқув қўлланмаларини яратиш ва нашр этиш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини делимитация, демаркация (редемаркация) қилиш ва унинг ўтиш чизигини текшириш бўйича ишларни зарур геодезия, картография ҳамда гидрографияга доир ишлар, материаллар (маълумотлар) билан таъминлаш;

геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришда ўлчовлар бирлигини ва метрология назоратини таъминлаш;

географик объектларнинг номларини белгилаш, меъёрлаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш, шунингдек Географик объектлар номларининг давлат реестрини юритиш;

геодезия ва картография фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

ушбу моддада санаб ўтилган йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан амалга ошириладиган, натижалари умумдавлат аҳамиятига молик бўлган бошқа геодезия ва картографияга оид ишлар.

18-модда. Умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишларни бажариш

Умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишлар махсус ваколатли давлат органи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги давлат дастурларига мувофиқ, шунингдек буюртмалар асосида бажарилади.

Умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишлар махсус ваколатли давлат органи томонидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек бошқа юридик шахслар билан ҳамкорликда бажарилади.

Ўзбекистон Республикасининг мудофааси ва миллий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини делимитация ва демаркация (редемаркация) қилиш ишлари эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари билан ҳамкорликда махсус ваколатли давлат органи томонидан бажарилади.

19-модда. Махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картографияга оид ишлар

Махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картографияга оид ишлар жумласига қуйидагилар кириди:

муҳандислик қидирувларида, биноларни, иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланишда, ер тузишда, давлат кадастрларини юритишда ва бошқа ишларда геодезик зичлаштириш тармоқларини қуриш ҳамда ривожлантириш;

муҳандислик қидирувларида, бинолар ва иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланишда ва бошқа ишларда махсус геодезия тармоқларини қуриш;

геодезия тасвирга олиш тармоқларини қуриш, аҳоли пунктларининг ҳудудлари ва қишлоқлараро ҳудудларни ривожлантиришни ҳамда уларда қурилиш олиб боришни режалаштириш тўғрисидаги шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек бошқа ишларни бажариш учун мўлжалланган топографик режаларни яратиш ва янгилаш;

махсус аҳамиятга молик географик ахборот тизимларини яратиш ва юритиш;

график, рақамли, фотосурат шаклидаги ҳамда бошқа шакллардаги махсус аҳамиятга молик тематик хариталар, режалар ва атласларни тузиш ҳамда нашр этиш;

муҳандислик қидирувларини амалга ошириш чоғида геодезия ва картографияга оид ишларни таъминлаш мақсадида Ерни масофадан туриб зондлаш.

20-модда. Махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картографияга оид ишларни бажариш

Махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картографияга оид ишлар тармоқлараро ҳамда тармоқ дастурларига (лойиҳаларига) мувофиқ махсус ваколатли давлат органи, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилади.

Махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришда умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишларнинг материаллари (маълумотлари) қўлланилади.

Махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришга геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир лицензияга эга юридик шахслар жалб этилиши мумкин.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг мудофааси ва миллий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ геодезия ва картографияга оид ишлар

Ўзбекистон Республикасининг мудофааси ва миллий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ геодезия ва картографияга оид ишлар қуйидагиларни назарда тутди:

топографик ва махсус хариталарни тузиш ҳамда нашр этиш;

махсус геодезия тармоқларини ривожлантириш;

махсус аҳамиятга молик географик ахборот тизимларини яратиш.

22-модда. Геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришда давлат геодезия координаталари, баландликлари, гравиметрия ўлчовларининг тизимларини ҳамда давлат топографик хариталари ва режаларининг масштаб қаторини қўллаш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумдавлат аҳамиятига молик гео-

дезия ва картографияга оид ишларни бажаришда давлат геодезия координаталари, баландликлари, гравиметрия ўлчовлари тизимлари ҳамда давлат топографик хариталари ва режаларининг масштаб қатори қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бирликлари ҳудудларида умумдавлат аҳамиятига ҳамда махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришда маҳаллий координаталар тизимлари, башарти уларнинг давлат геодезия координаталари тизими билан ўзаро боғланганлиги таъминланса, қўлланилиши мумкин.

Маҳаллий координаталар тизимининг саноқ боши ва ўқлари йўналиши тегишинча давлат геодезия координаталари тизимининг саноқ боши ва ўқлари йўналишига нисбатан силжитилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат координаталар ва баландликлар тизимлари ёки маҳаллий координаталар тизимлари бўлмаган координаталар ҳамда баландликлар тизимлари қўлланилиши мумкин.

Натижалари умумдавлат аҳамиятига молик бўлган геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришда қўллаш учун белгиланган топографик хариталар ҳамда режаларнинг масштаблари давлат топографик хариталари ва режаларининг масштаб қаторини ташкил этади.

23-модда. Давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқларини яратишга доир ишлар

Давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқларини яратишга доир ишлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона давлат геодезия координаталари, баландликлари, гравиметрия ўлчовлари тизимларини белгилаш ва тарқатиш мақсадида бажарилади.

Давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқлари бошқа геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқларини, геодезик зичлаштириш тармоқларини куриш учун бошланғич ҳисобланади.

Геодезик зичлаштириш тармоқлари давлат геодезия ва нивелир тармоқларини ривожлантириш учун топографик тасвирга олиш жараёнини таъминлашда ҳамда муҳандислик-геодезияга оид вазифаларни ҳал этишда яратилади.

24-модда. Геодезия пунктлари

Геодезия пункти жойда (тупроқда, бинода ёки бошқа сунъий иншоотда) ер сатҳининг нуқталарини маълум координаталар ҳамда баландликлар билан белгилаш учун мўлжалланган мослама ва (ёки) қурилма бўлиб, у махсус марказдан, ташқи белгидан ҳамда ташқи чеккаси геодезия пунктнинг чегараси бўлган зовур ёки уюм тарзидаги ташқи кўринишдан иборатдир. Геодезия пунктнинг ташқи кўриниши мавжуд бўлмаган тақдирда ташқи белгининг асоси унинг чегараси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қурилган давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқларининг геодезия пунктлари ҳамда бошқа геодезия пунктлари давлат муҳофазасида бўлади.

Геодезия пунктларини жойлаштириш учун ер участкаларини ажратиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Геодезия пунктлари чегараларида ҳамда ушбу чегаралар бўйлаб бир метр кенгликдаги майдонда геодезия пунктларининг муҳофаза зоналари белгиланади.

Геодезия пунктлари ташқи белгиларга эга бўлмаган ёки геодезия пунктларининг махсус марказлари биноларнинг ва бошқа иншоотларнинг деворларига жойлаштирилган ҳолларда, ушбу геодезия пунктларининг чегаралари ва муҳофаза зоналари белгиланмайди.

Геодезия пунктларининг муҳофаза зоналарида қуйидагилар тақиқланади:

геодезия ишларини бажариш чоғида геодезия пунктларининг бут сақланишини ва улардан фойдаланилишини таъминламайдиган ишларни махсус ваколатли давлат органининг рухсатисиз амалга ошириш;

геодезия пунктларининг шикастланишига ёки йўқ қилинишига олиб келиши мумкин бўлган турли материалларни сақлаш, олов ёқиш, чиқиндиларни сақлашни ва кўмишни, шунингдек бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

Геодезия пунктларининг бут сақланишини таъминлаш ўз ҳудудида ушбу пунктлар жойлаштирилган туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

Давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқларининг геодезия пунктларини қуриш, тиклаш, бузиш ёки қайта ўрнатиш махсус ваколатли давлат органининг қарори асосида, бошқа геодезия пунктлари эса махсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Шикаст етказилган, йўқ қилинган геодезия пунктларини тиклаш ёки қайта қуриш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни ўз фаолияти геодезия пунктларига шикаст етказилишига, уларнинг йўқ қилинишига олиб келган ёки ўзининг мурожаати асосида геодезия пунктларини қайта ўрнатиш амалга ошириладиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан қопланади.

Геодезия пунктлари жойлашган ер участкалари, бинолар, иншоотларга бўлган ҳуқуқ эгалари:

геодезия пунктларининг бут сақланишини таъминлаши, уларнинг муҳофаза зоналари режимига риоя этиши;

махсус ваколатли давлат органини геодезия пунктларига шикаст етказилганлиги ёки улар йўқ қилинганлиги ҳоллари тўғрисида хабардор қилиши;

геодезия ишларини бажарувчиларга геодезия ишлари бажариладиганда геодезия пунктларига кириб бориш имкониятини бериши шарт.

4-боб. Геодезия ва картография фаолиятини амалга оширишга доир асосий шартлар ҳамда талаблар

25-модда. Давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқларига ҳамда давлат топографик хариталари ва резжаларига доир асосий талаблар

Давлат геодезия тармоғи геодезия пунктлари тизимидан иборатдир ва бу пунктларнинг ер сатҳидаги ҳолати улар учун умумий бўлган координаталар тизимидаги геодезия ўлчовлари асосида белгиланган бўлади.

Давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқлари, шунингдек давлат

топографик хариталари ва режалари долзарблик ҳолатида сақлаб турилиши керак.

Давлат геодезия, нивелир ёки гравиметрия тармоқларининг долзарблик ҳолати деганда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг материалларга (маълумотларга) бўлган эҳтиёжларини қаноатлантирувчи ҳолат тушунилади.

Давлат топографик хариталари ва режаларининг долзарблик ҳолати деганда давлат топографик хариталари ва режаларининг мазмуни жойнинг ҳақиқий ҳолатига мос келадиган ҳамда амалдаги шартли белгиларда ва белгиланган координаталар тизимида акс эттирилган ҳолат тушунилади.

Давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқлари долзарблик ҳолатида сақлаб турилиши учун улар мунтазам равишда тиклаб борилиши, давлат топографик хариталари ва режалари эса янгилаб турилиши керак.

Давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқларини тиклаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия пунктларининг жойлаштирилиш зичлиги нормалари ҳисобга олинган ҳолда бажарилади.

26-модда. Геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришга доир асосий талаблар

Геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришда қуйидаги асосий талабларга риоя этилиши керак:

қонун ҳужжатлари талабларига, шу жумладан лицензия талаблари ва шартларига, картография ва геодезия фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги стандартлар ҳамда норматив ҳужжатларга, шунингдек лойиҳа-смета ва техник ҳужжатлар талабларига амал қилиш;

ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор технологиялари ва усулларини жорий этиш;

геодезия ва картографияга оид ишларни одамларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғи, атроф-муҳитнинг ҳолати ва моддий маданий мерос объектлари учун хавфсиз усуллар ҳамда воситалар орқали бажариш;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини, маъмурий-ҳудудий тузилиш чегараларини, шунингдек чет давлатларнинг чегараларини ҳамда бошқа сиёсий-маъмурий чегараларни ва географик элементларни хариталарда график жиҳатдан тўғри тасвирлаш;

геодезия ва картографияга доир материалларнинг (маълумотларнинг) ҳисобга олиниши ҳамда сақланишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги давлат геодезия тармоқлари ҳолатининг тизимли таҳлилин амалга ошириш ва картографияга доир материалларнинг жойнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини таъминлаш.

27-модда. Геодезия ва картография фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш

Геодезия ва картографияга оид ишларни ташкил этиш тартиби, геодезия ва картографияга оид ишларни бажариш аниқлиги, воситалари, усул-

лари ва технологияларига, геодезия тармоқларига, хариталарнинг, режаларнинг, атласларнинг мазмунига, жойнинг рақамли моделларига доир асосий техник талаблар, шунингдек геодезия ва картографияга оид ишларнинг бажарилиши ҳамда уларнинг сифатига оид талаблар геодезия ва картография фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланади.

28-модда. Геодезия ва картография фаолиятини метрологик жиҳатдан таъминлаш ҳамда стандартлаштириш

Геодезия ва картография фаолиятини метрологик жиҳатдан таъминлаш ҳамда стандартлаштириш геодезия кузатувлари чоғида ўлчов ва синов воситаларидан фойдаланиш тартибини, геодезия ўлчовлари ва синовлари сифатини назорат қилиш усуллари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ўз ичига олади.

Геодезия ўлчовларининг ягоналигини таъминлаш, геодезия ўлчов воситаларини стандартлаштириш ишларида иштирок этиш, геодезия, топография ва картография маҳсулотларини мажбурий сертификатлаштириш ишларини ташкил қилиш ҳамда ўтказиш, геодезия ва картография фаолияти соҳасида метрология назоратини олиб бориш махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

29-модда. Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш

Геодезия ва картография фаолияти ёхуд геодезия ва картографияга оид ишларнинг айрим турлари лицензияланиши лозим. Лицензияланадиган геодезия ва картографияга оид ишларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) юридик шахсларга берилади. Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра, лицензия умуман фаолиятга ёхуд айрим иш турларига нисбатан берилиши мумкин. Бунда лицензия талабгори қўйидаги шартларга ва талабларга жавоб бериши керак:

юридик шахснинг (лицензиатнинг) штатида лицензияда кўрсатилган фаолият турлари бўйича маълумоти тўғрисидаги ҳужжатга ва камида икки йиллик иш стажига эга бўлган камида бир нафар ходимнинг мавжудлиги;

белгиланган талабларга мувофиқ бўлган моддий-техника базасининг, геодезия ва картографияга оид асбоб-ускуналарнинг, бошқа техник воситаларнинг мавжудлиги;

геодезия ва картография фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги зарур норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги;

лицензиат давлат сирини ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни бажарган тақдирда режим органининг мавжудлиги.

Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар махсус ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинади.

30-модда. Геодезия ва картографияга оид ишларни рўйхатга олиш

Умумдават аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишлар ҳамда махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик ишлар рўйхатга олинishi лозим.

Махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик ишларнинг айрим турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ рўйхатга олмасдан бажарилиши мумкин.

Геодезия ва картографияга оид ишларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор фақат лицензияга эга бўлган юридик шахсларга берилади.

Геодезия ва картографияга оид ишларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади. Бунда берилган қарор ҳақидаги ахборот Геодезия ва картографияга оид ишларни рўйхатга олиш тўғрисида берилган қарорларнинг реестрига киритилади.

Геодезия ва картографияга оид ишларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш, қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби, шунингдек геодезия ва картографияга оид ишларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш ҳақидаги аризани кўриб чиққанлик учун ундириладиган йўғим миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Геодезия ва картографияга оид ишларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорни бериш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш техник лойиҳалар (дастурлар) экспертизасини ўтказишни ўз ичига олади.

31-модда. Геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) экспертизаси

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, умумдават аҳамиятига молик бўлган геодезия ва картографияга оид ишларни бажариш натижасида олинган геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) экспертиза қилиниши лозим.

Геодезия ва картографияга доир материалларнинг (маълумотларнинг) экспертизасини ўтказишда уларнинг геодезия ва картография фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришнинг техник лойиҳалари (дастурлари) талабларига мувофиқлиги аниқланади.

Геодезия ва картографияга доир материалларнинг (маълумотларнинг) экспертизаси бажарилган геодезия ва картографияга оид ишлар ҳақидаги техник ҳисоботлар асосида ўтказилади. Экспертиза натижаларига кўра махсус ваколатли давлат органи томонидан ҳулоса берилади.

5-боб. Геодезия ва картография фаолиятининг маҳсулотлари**32-модда. Геодезия ва картография фаолияти маҳсулотларининг турлари**

Геодезия ва картография фаолияти маҳсулотлари жумласига қуйидагилар киради:

геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар);

геодезия пунктлари;

фазовий (геофазовий) маълумотлар;

географик ахборот тизимлари;

фазовий маълумотларнинг инфратузилмаси;

илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишларнинг натижалари, шу жумладан геодезия ва картография фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар.

33-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган геодезия ва картография фаолияти махсулотига бўлган мулк ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган геодезия ва картография фаолияти махсулоти, шу жумладан давлат картография-геодезия фонди материаллари (маълумотлари) Ўзбекистон Республикасининг мулкдир.

34-модда. Геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги интеллектуал мулк объектлари

Геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар), фазовий (геофазовий) маълумотлар, географик ахборот тизимлари, фазовий маълумотларнинг инфратузилмаси, геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишларнинг натижалари интеллектуал мулк объектларидир.

35-модда. Геодезия ва картографияга доир материаллардан (маълумотлардан) фойдаланиш тартиби

Юридик ва жисмоний шахслар давлат картография-геодезия фондининг ҳамда идоравий картография-геодезия фондларининг материалларидан (маълумотларидан) ушбу Қонун талабларига риоя этган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Картография-геодезия фондининг материалларидан фойдаланиш чоғида: геодезия ва картографияга доир материаллардан (маълумотлардан) рухсатсиз кўчирма нусха олиш;

аэросуратга олиш материалларини, шунингдек давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар мавжуд бўлган материалларни бундай материалларнинг сақланишини таъминлаш учун режим органи ва лозим даражада шарт-шароитлари бўлмаган ташкилотларга бериш тақиқланади.

Давлат картография-геодезия фондининг геодезия ва картографияга доир материалларидан (маълумотларидан) фойдаланувчилар олинган материалларнинг (маълумотларнинг) бут сақланишини таъминлаши, уларни белгиланган муддатларда қайтариши ҳамда уларда мавжуд бўлган давлат сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этмаслиги шарт.

Давлат картография-геодезия фондининг геодезия ва картографияга доир материалларини (маълумотларини) учинчи шахсларга беришга ҳамда

улардан кўчирма нусха олишга ушбу материаллар (маълумотлар) ўз тасаруфида бўлган органларнинг рухсатисиз йўл қўйилмайди.

Давлат сирини ташкил этувчи геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) йўқотилган тақдирда, геодезия ва картографияга доир материаллардан (маълумотлардан) фойдаланувчилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни қўриши, шунингдек йўқотиш аниқланган пайтдан эътиборан бир кундан ошмайдиган муддатда махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиши шарт.

Давлат картография-геодезия фондининг геодезия ва картографияга доир материалларидан (маълумотларидан) фойдаланганлик учун махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган миқдорда йиғим ундирилади.

6-боб. Геодезия ва картография фаолияти соҳасида ҳисобни юритиш

36-модда. Геодезия ва картографияга оид ишларнинг давлат ҳисоби

Умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишлар геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) йиғиш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш мақсадида давлат ҳисобига олиниши шарт.

Геодезия ва картографияга оид ишларнинг давлат ҳисоби уларни рўйхатга олиш ҳамда картография-геодезия давлат кадастрини юритиш чоғида амалга оширилади.

37-модда. Картография-геодезия давлат кадастри

Картография-геодезия давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми бўлиб, картография-геодезия давлат кадастри объектлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳақидаги геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) тўғрисидаги янгиланиб туриладиган ишончли ахборот, бажариладиган геодезия, топография ва картографияга оид ишлар, шу жумладан уларнинг миқдор ва сифат тавсифлари ҳақидаги маълумотлар тизимидан иборатдир.

38-модда. Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фонди

Геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фондини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фонди таркибига давлат ва идоравий картография-геодезия фондлари киради.

Давлат картография-геодезия фонди геодезия ва картография фаолияти натижасида яратилган, умумдавлат аҳамиятига молик бўлган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда муддатларда сақланиши лозим

бўлган геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) ўз ичига олади.

Давлат картография-геодезия фонди махсус ваколатли давлат органининг тасарруфида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг картография-геодезия фонди унинг ўз тасарруфида бўлади.

Идоравий картография-геодезия фондлари махсус (тармокка оид) аҳамиятга молик геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) ўз ичига олади ҳамда тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тасарруфида бўлади.

Геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) давлат ва идоравий картография-геодезия фондларига топшириш тартиби, шунингдек уларнинг таркиби, тури ва шаклларига доир талаблар давлат ва идоравий картография-геодезия фондлари тўғрисидаги низомларда белгиланади. Давлат ва идоравий картография-геодезия фондлари тўғрисидаги низомлар ҳамда уларда мавжуд бўлган геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) рўйхатлари фондларнинг сақловчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси картография-геодезия фондининг белгиланган тартибда Миллий архив фонди таркибига киритилган геодезия ва картографияга доир материаллари (маълумотлари) архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олинади, сақланади ва улардан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия ва картографияга оид ишларни бажарувчи геодезия ва картография фаолияти субъектлари ўзи яратган умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга доир материалларнинг (маълумотларнинг) бир нусхасини давлат картография-геодезия фондига бепул бериши шарт.

Геодезия ва картография фаолияти субъектларининг геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) давлат картография-геодезия фондига топшириши, ушбу материалларнинг (маълумотларнинг) сақланиши ҳамда улардан фойдаланилиши, идоравий картография-геодезия фондларининг давлат реестри юритилиши устидан давлат геодезия назорати махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

7-боб. Давлат геодезия назорати

39-модда. Давлат геодезия назоратининг мақсади ва вазифалари

Давлат геодезия назорати геодезия ва картография фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

Давлат геодезия назоратининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: геодезия ва картография фаолиятининг барча субъектлари томонидан

геодезия ва картография фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига, шу жумладан лицензия талаблари ва шартларига, геодезия ҳамда картографияга доир материаллардан (маълумотлардан) фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

геодезия ва картографияга оид ишларни, геодезия пунктларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳисобга олишни ташкил этиш;

давлат картография-геодезия фондининг фаолият юритишини таъминлаш.

40-модда. Давлат геодезия назоратининг асосий функциялари

Давлат геодезия назоратининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

геодезия ва картография фаолиятининг барча субъектлари томонидан геодезия ва картография фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига, лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан назорат қилиш;

картографияга доир материалларда ҳамда бошқа ҳужжатларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси ва ҳудуди тўғри акс эттирилганлиги устидан назорат қилиш;

геодезия ва картографияга оид ишларни рўйхатдан ўтказиш;

геодезия пунктларини ҳисобга олиш;

давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқларидаги геодезия пунктларининг, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа геодезия пунктларининг бут сақланиши ва уларнинг муҳофаза зоналари режимида риоя этилиши устидан назорат қилиш;

геодезия ва картография фаолияти субъектлари томонидан давлат картография-геодезия фонди ҳамда идоравий картография-геодезия фондлари материалларининг (маълумотларининг) сақланиши устидан назорат қилиш;

геодезия ва картография фаолияти субъектлари томонидан геодезия координаталари, баландликлари, гравиметрия ўлчовлари давлат тизимларининг ҳамда давлат топографик хариталари ва режаларининг масштаб қатори, маҳаллий координаталар ҳамда бошқа координаталар тизимларининг қўлланилиши устидан назорат қилиш;

геодезия ва картография фаолияти субъектлари томонидан умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) давлат картография-геодезия фондига топширилиши, шунингдек бу субъектларнинг ушбу фонддан олган материаллардан (маълумотлардан) фойдаланиши устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг навбатчи маълумотнома тарзидаги харитасини юритиш.

8-боб. Якунловчи қоидалар

41-модда. Геодезия ва картография фаолиятини молиялаштириш

Умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишлар-

ни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картографияга оид ишларни молиялаштириш буюртмачиларнинг маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Махсус ваколатли давлат органи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланадиган давлат бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишларнинг буюртмачилари бўлиши мумкин.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа юридик шахслар, шунингдек жисмоний шахслар қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишларнинг ҳамда махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик ишларнинг буюртмачилари бўлиши мумкин.

42-модда. Геодезия ва картография фаолияти натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Геодезия ва картография фаолияти натижасида етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши лозим.

43-модда. Низоларни ҳал этиш

Геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

44-модда. Геодезия ва картография фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Геодезия ва картография фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

45-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Геодезия ва картография тўғрисида**»ги 417–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 122-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Геодезия ва картография тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 418–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 123-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрда қабул қилин-

ган «**Географик объектларнинг номлари тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–304-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 274-модда) **4-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–476-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **25-моддаси**.

**46-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга еткази-
лишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини
таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**47-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаш-
тириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини
таъминласин.

48-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 2 июль,
ЎРҚ–626-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

288 Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш чоралари кўрилмоқда ҳамда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича белгиланган вазифалар коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишни тақозо этмоқда. Ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакилларини ҳам кенг жалб этиш зарурати туғилмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурини изчил рўёбга чиқариш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Агентлик:

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш,

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади;

Ўз фаолиятини қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдордир;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинландиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан бошқарилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Агентлик директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади.

2. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига мурасиз муносабатни шакллантириш;

вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан, банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат») ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдек, уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни та-

комиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш;

давлат хизматига ҳалоллик стандарти («ҳалоллик вакцинаси») ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг имиджини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Агентлик:

хар йили оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг тегишли қўмитаси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш комиссиялари билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга оид, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имиджига зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот беради;

коррупцияга оид жиноятлар оқибатида жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарар тўлиқ қопланилишига эришиш устидан назоратни амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилади ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи Коррупцияни қабул қилиш миллий индексини тузишни ташкиллаштиради;

давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачиси ISO 37001 коррупцияга қарши стандартини қўллашни кўзда тутувчи талабни ўрнатади;

жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

коррупция ҳолатларига доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади.

4. Агентликка қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, давлат харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат дастурлари бажарилиши билан боғлиқ материалларни талаб қилиш, олиш ва ўрганиш;

ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан ўрнатилган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича муносабатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида коррупция ҳолатини ўрганиш;

коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, тизимли коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш мақсадида қонунчилик, шу жумладан, жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ жиноят ишлари материалларини ўрганиш;

ўрганиш ва бошқа тадбирлар натижалари бўйича тўпланган материалларни фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ чоралар кўриш, жумладан, жиноят ишларини қўзғатиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларига тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий суриштирувлар ўтказиш;

ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномаларни киритиш;

давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларига

кўриб чиқилиши мажбурий бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантиришлар ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Агентликнинг огоҳлантириш, тақдимнома ва мурожаатлари ўн кун ичида кўриб чиқилиши ва натижалари юзасидан ёзма ахборот берилиши шарт.

5. Белгилансинки:

Агентлик ходимларининг таркиби юриспруденция, иқтисодиёт, молия, солиқ, аудит, ахборот-коммуникация технологиялари ва Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа соҳалар бўйича юқори малакали мутахассислар орасидан тўлдирилади;

Агентликнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш ва текширишлар ўтказиш, мутахассислар ажратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқаролар учун мажбурийдир;

Агентлик ходимлари ўз ваколатлари доирасида коррупциянинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ушлаб турилганларни ва қамоққа олинганларни сақлаш жойлари, жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз киришга ва ҳужжатлар билан танишишга ҳақли;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Агентлик билан келишилиши лозим.

6. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий идоралараро комиссиялари Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши (кейинги ўринларда — Миллий кенгаш) ва унинг ҳудудий кенгашлари этиб қайта ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик Миллий кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин.

Агентлик Миллий кенгаш фаолиятини самарали ташкилий-услубий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, иш режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда Миллий кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкил этишни таъминласин.

7. Агентлик уч ой муддатда:

Агентликни юқори малакали кадрлар билан, биринчи навбатда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалий иш тажрибасига эга ва Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир шахслар орасидан тўлдирилишини;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Агентлик фаолияти ташкил этилишини тартибга солувчи ҳужжатлар пакети, шу жумладан, Агентлик тузилмалари тўғрисида низомлар ва ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ишлаб чиқирилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки:

Агентликни ходимлар билан тўлдириш конкурс асосида халқаро стандартларга мувофиқ Агентлик томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади;

Агентликка биринчи марта ишга қабул қилинадиган ходимлар ишдан ажратилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг назарий ва амалий масалалари, хорижий тажриба ва халқаро стандартларни ўрганишни камраб олувчи махсус ўқув дастурлари бўйича таълим олади.

8. Агентлик:

а) Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шу жумладан, халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат»)ни босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўрсин;

б) давлат харидлари соҳасида масъулиятни ошириш ва коррупцияни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратураси билан биргаликда уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни талабларини, шу жумладан, харид қилиш тартиб-таомиллари турларини белгилаш ва ижрочини танлаш шартларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

давлат харидлари доирасида тузилган шартномаларни мажбурий равишда эълон қилиш, шунингдек, давлат харидларини танлов ва тендер савдолари орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда фақат электрон шаклда амалга ошириш тартибини жорий этиш бўйича таклифларни киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банки ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда уч ой муддатда, шу жумладан, уй-жой коммунал хўжалиги, сув хўжалиги, қурилиш ва энергетика соҳаларида давлат харидлари, давлат мулкни бошқариш ва ундан фойдаланишда қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати бўйича ўрганиш ўтказсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда доимий асосда давлат харидларида аффилиланганлик, шу жумладан, харидлар иштирокчиларининг охириги бенефициар эгаларига тааллуқли манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш мақсадида масофавий мониторинг ўтказсин.

9. Агентлик зиммасига:

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий координатори вазифа ва ваколатлари юклатилсин.

10. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Бош прокуратураси билан биргаликда уч ой муддатда:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи «E-Anticor.uz» электрон платформаси;

коррупция ҳолатлари ҳақида Агентликни хабардор қилиш имконини берувчи махсус мобил дастурий таъминот;

Агентликка давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминласин.

11. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда:

икки ой муддатда — Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилишини ҳамда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига киритилишини;

уч ой муддатда — «Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисида»ги, «Давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини;

уч ой муддатда — Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилишни давом эттириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилишини ҳамда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Миллий кенгашга киритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Агентлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, биноларни таъмирлаш, мебель ва бошқа моддий-техник воситалар билан жиҳозлаш учун ўрнатилган тартибда маблағлар ажратиш чораларини кўрсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида алоҳида модда билан Агентлик фаолиятини ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чораларини молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Агентликни жойлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда унга ҳар томонлама қўмаклашсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича мақолалар чоп этилишини ва тематик телекўрсатувлар бериб борилишини ташкил этсин.

16. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифларни киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 июнь,
ПФ-6013-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**289 Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистонда 30 июнь — «Ёшлар куни» деб эълон қилинди. Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган фидойи ёшларимизни рағбатлантириб бориш мақсадида «Мард ўғлон» давлат мукофоти ва «Ке-лажак бунёдкори» медали таъсис этилди.

Ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олган бешта муҳим ташаббус амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ёшларда замонавий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва янги иш ўринларини яратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчи-лик профилактикасини самарали ташкил этиш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, ёш авлодда мустаҳкам ватанпарварлик ғояси ҳамда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасида қатор муаммолар сақла-ниб қолмоқда.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, ваколат-ли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 декабр-даги мамлакат ёшлари билан учрашувида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўрин-ларда — Агентлик) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят-лар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилсин.

2. Қўйидагилар Агентликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсати, страте-гик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 1 июлда эълон қилинган.

мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ёшлар сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларни «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари!» ғояси атрофида бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиш;

ёшларга оид дастурлар, лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш учун ижтимоий буюртма шаклида ажратиладиган давлат грантлари ва субсидияларни тақсимлаш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш;

тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш;

иқтидорли ёшларни етакчи хорижий олий таълим муассасаларига таълим олиш учун юбориш, халқаро танловларда иштирок этишини таъминлаш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини қамраб олган бешта муҳим ташаббусни кенг жорий этишга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва истеъдодини ривожлантириш;

ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, замонавий касб-ҳунарлар, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллашлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш жараёнларига кўмаклашиш;

ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ёшлар соҳасидаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш бўйича зарур чоралар кўриш, хорижда таълим олаётган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни тизимли йўлга қўйиш;

ёшлар фаолияти билан боғлиқ соҳаларга хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро молия институтлари, донор-мамлакатлар ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тад-

бирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

ёшларнинг инновацион, амалий ва истиқболли лойиҳаларига грант маблағлари ажратиш;

ўз иқтидори ва салоҳиятини камол топтириш, келажакда қизиққан соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишиши учун ёшларда ўзини ўзи ривожлантириш бўйича кучли мотивация уйғотиш мақсадида кенг ёшлар даврасида халқаро миқёсда юқори нуфузга эга нотиклар жалб қилинган ҳолда мотивацион тадбирлар ўтказиш;

худудларда ёшлар бандлигига кўмаклашиш мақсадида қудуқлар бурғулаш (қазиш), суғориш воситалари харид қилиш, енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун субсидиялар ажратиш;

ёшларнинг халқаро фан олимпиадалари ва танловларда ҳамда ёш тадбиркорларнинг халқаро форум ва ярмаркалардаги иштирокини таъминлаш, ёшларнинг халқаро меҳнат бозорларига чиқишига кўмаклашиш;

иқтидорли ва жамоат ишларида фаол бўлган ёшларни (биринчи навбатда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларнинг фарзандлари) бепул йўлланмалар асосида оромгоҳларга юбориш;

ёшларни келгусида тегишли соҳада малакали мутахассис бўлиб етишишлари, шу жумладан, тадбиркорликка ўқитиш учун мамлакатимизда юқори натижаларга эришган соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда ўқув машғулотлари ўтказиш;

битирувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида барча худудлардаги олий таълим муассасалари базасида бизнес акселераторлар ташкил этиш;

Ўзбекистон ёшлари порталини ташкил этиш ва унда ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индекслари ҳамда ёшларга оид қонун ҳужжатлари базасини шакллантириш;

ёшларни тадбиркорлик ва ишбилармонликка қизиқтириш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатиш мақсадида жойлардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига бизнес саёҳатлар ташкил этиш;

ёшларни касбга ўргатиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, ёш тадбиркорларга ҳуқуқий, бухгалтерия, маркетинг, брендинг, банк, суғурта, меҳнат ва бошқа соҳаларда амалий кўмак кўрсатиш учун консалтинг хизматлари харажатларини қоплаш;

кўرғазмали савдо ярмаркаларини ташкил этиш;

бизнесни йўлга қўйишдан даромад олишгача бўлган масалаларни ўргатишга қаратилган масофавий ўқув машғулотлари ўтказиш ва қўлланмалар яратиш;

иқтидорли ёш адиб, рассом ва ҳунармандлар ўртасида ижодий кўрик-танловлар ташкил этиш, ёш муаллифларнинг ижод намуналари, жумладан, биринчи китобларини нашр этиш, санъат асарларини яратиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки, Агентлик Дастурда назарда тутилган тадбирларни молиялаштиришни тўғридан-тўғри ёки нодавлат нотижорат ташкилотларига ижтимоий буюртма шаклида ажратиладиган давлат грантлари ва субсидиялар тақсимлаш орқали амалга оширади.

4. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш 2-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Дастурда белгиланган тадбирлар, шунингдек, Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ ва сифатли амалга оширишда яқиндан қўмаклашиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли вазирлик идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда ва самарали амалга оширилишини таъминлаш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш;

Фармон ижросининг доимий мониторинги ва таҳлилини олиб бориш ҳамда уларнинг натижалари юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот ва асослантирилган таклифлар киритиб бориш.

5. Агентлик:

а) 2020 йилда тегишли соҳаларга Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида республиканинг туман (шаҳар)ларидаги маҳаллаларда бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш учун қуйидаги зарурий чораларни кўрсин:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан биргаликда маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларни маданият ва санъатга жалб этиш учун тўгараклар ташкил этиш ҳамда уларни мусиқа жиҳозлари билан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактаблари ва спорт иншоотларида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тағриб қилиш мақсадида тўгараклар ташкил этиш ва уларга спорт анжомлари етказиб бериш;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ёшларни қамраб олишга мўлжалланган «Рақамли технологиялар ўқув марказлари» фаолиятини йўлга қўйиш, умумтаълим мактабларида ахборот технологиялари йўналишида тўгараклар ташкил этиш ва компьютер жиҳозлари билан таъминлаш;

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда ёшларни китобхонликка жалб этиш ва кутубхоналарга бадиий адабиётларни етказиб бериш;

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазир-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда тикув ва тўқимачилик корхоналарида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида уларни касб-ҳунарга ўқитиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ҳудудлар кесимида ишсиз ёшлар рўйхатини шакллантирсин ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган манзилли, шу жумладан қуйидаги чоратадбирларни амалга оширсин:

«Фидойи ёшлар отрядлари»ни тузиш орқали ишсиз ёшларни ҳақ тўланадиган жамоат ва мавсумий ишларга жалб этиш;

«Ёшлар қурилиш отрядлари»ни ташкил этиш ва олий таълим муассасалари талабаларини ёзги таътил вақтида ҳақ тўланадиган қурилиш ишларига жалб этиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда асосий фаолияти қуйидагиларга йўналтирилган кўнгилли ёшлардан иборат волонтерлик гуруҳларини шакллантирсин: қаровсиз ва ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатиш, ногирон ва имконияти чекланган фуқароларга кўмаклашиш;

тарбияси оғир ёшлар билан ишлаш, уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш;

г) ёшлар ҳаётида учраётган муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш мақсадида тизимли равишда социологик тадқиқотлар ўтказсин ҳамда якуни бўйича ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига улар юзасидан таҳлилий ҳужжатлар киритсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда юқори касбий салоҳиятга эга, ташаббускор ва ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этувчи ёш кадрлар захирасини шакллантирсин.

6. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5466-сон Фармони доирасидаги:

ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган тадбирларни «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, ажратилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация ва субсидиялар бериш тартиби бекор қилинади;

лойиҳаларни кредитлаш бозор тамойиллари асосида тўғридан-тўғри тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Бунда, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан ёш тадбиркорлар бизнес лойиҳалари учун ажратилган суммаси 2 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмайдиган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан

ошадиган, бироқ 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун компенсация тўланади.

7. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг:

Жамғармани 2021 йил 1 январдан мустақил нодавлат нотижорат ташкилот сифатида қайта ташкил этиш;

2021 йил 1 январдан бошлаб «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган ресурс маблағлари бўйича тижорат банкларининг Жамғарма олдидаги мажбуриятларини Давлат бюджети олдидаги мажбуриятлар сифатида қайта расмийлаштириш ва ҳар йили ушбу мажбуриятларнинг Давлат бюджетига қайтарилган қисми ҳисобидан Агентликнинг устувор дастурий вазифалари амалга оширилишини молиялаштириш;

Жамғарма томонидан унинг ва филиаллари тузилмаси, штатлар бирлигини олинган даромадларидан келиб чиқиб мустақил белгилаш ҳамда Жамғарманинг туман (шаҳар) филиалларини мақбуллаштириш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

8. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ўзига юклатилган вазифаларни сифатли ва юқори савияда амалга ошириш учун қўшимча даромад манбааларини белгилаш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида 2020 йилда Дастурда кўзда тутилган тадбирлар учун маблағлар ажратсин, 2021 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар харажатларни молиялаштириш 2020 йил учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқига давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши инobatга олинсин.

10. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармон ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов — ҳудудлар, вазирлик, идора ва ташкилотлар кесимида ёшлар сиёсати самарадорлигини баҳолаб бориш ва муаммоларни бартараф этишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар белгилаш, мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги мавқеини ошириш, ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини таъминлаш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директори — ёшлар орасидан истиқболли кадрлар захирасини шакллантиришни назарда тутувчи ташаббускор, ислохотларни амалга ошириш ва жойлардаги муаммоларни ҳал этишда фаол иш-

тирок этувчи, раҳбарлик лавозимларига муносиб ёшларни қўллаб-қувватловчи «Ватан ифтихорлари» институционал тизимини жорий этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлари — ёшлар муаммоларини ўрганиб, уларнинг ҳал этилишига қўмаклашсин, ёш авлоднинг истеъдоди ва қобилиятларини ривожлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш чораларини кўрсин, шунингдек, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойда камида бир маротаба тегишли халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида ҳисобот бериб борсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июнь,
ПФ-6017-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**290 Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини
синаш ва сертификатлаш тизимини такомиллашти-
риш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни замонавий, сифатли қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, хорижий давлатлардан кириб келаётган айрим қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг республиканинг тупроқ-иқлим шароитларига мос келмаслиги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда белгиланган агротехник тадбирларни амалга ошириш вақтида қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашнинг самарали синаш ва

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 июнда эълон қилинган.

ўлчаш усулларини кенг жорий этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини синаш ва сертификатлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологияларини синаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ресурс тежайдиган замонавий қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологиялари синовига оид техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда уларнинг агрегатлари ва бутловчи қисмларини республика ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитларида самарали қўллаш ва уларнинг ишончилигини текшириш учун тегишли синовларни ўтказиш;

соҳани ривожлантиришга қўмаклашувчи инновацион усуллар, дастурлар ва истиқболли ғояларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда уларнинг агрегатлари ва қисмларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар фаолиятига самарали илмий ишланмаларни кенг жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари синовини ўтказувчи лабораторияларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, соҳага юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб:

импорт қилинадиган ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларида самарали қўллаш ва уларнинг ишончлилик (сифат) кўрсаткичларини текшириш мақсадида барча турдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда уларнинг агрегатлари ва бутловчи қисмлари мажбурий тартибда синовдан ўтказилади. Бунда, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда уларнинг агрегатлари ва бутловчи қисмлари маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар ҳамда импорт қилувчилар томонидан тақдим этилади;

импорт қилинадиган ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари, уларнинг агрегатлари, бутловчи қисмлари такомиллаштирилганда ҳамда уларга қўшимча функцияларни бажариш юклатилганда такрорий синовларга тақдим этилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишга тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг ягона давлат реестрига (кейинги ўринларда — ягона давлат реестри) киритилган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларидан республикада экинларни етиштиришда фойдаланишга рухсат этилади;

импорт қилинадиган ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чи-

қариладиган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг агрегатлари ва бутловчи қисмлари учун мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш тизими йўлга қўйилади. Бунда, лаборатория асбоб-ускуналари ва ўлчов воситаларига эга бўлмаган ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларига сертификат берилишига йўл қўйилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, «Ўзстандарт» агентлигининг 2023 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган синов ускуналари ва ўлчаш воситаларини божхона божидан озод қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, синов ускуналари ва ўлчаш воситалари синов лабораторияларини аккредитация, шу жумладан, халқаро аккредитация талаблари асосида жиҳозлаш учун ишлатилади.

4. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологияларини синаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологияларига нисбатан талабларни белгилайдиган стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказсин;

2020-2021 йилларда қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологиялари ва уларни синаш усулларига нисбатан талабларни белгилайдиган зарур стандартларни халқаро талаблар асосида қабул қилиш бўйича тармоқ жадвалини тасдиқласин.

6. «Ўзстандарт» агентлиги икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари бўйича тармоқ стандартларининг рўйхатдан ўтказилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи ташкилотлар билан биргаликда уч ой муддатда амалдаги стандарт ҳамда меъёрларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг тури бўйича синов дастурларини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

лаборатория асбоб-ускуналари ва ўлчов воситаларига эга бўлган хусусий ташкилотларни қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларига сертификат бериш учун аккредитациядан ўтказиш тартибини ишлаб чиқсин;

хорижий давлатларнинг синов марказлари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, уларнинг илғор тажрибаларини республикада босқичма-босқич жорий этиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва си-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

наш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қишлоқ хўжалиги техникаларини халқаро талаблар асосида синаш учун замонавий синаш ускуналари ва ўлчаш воситалари рўйхатини шакллантирсин ва жорий йилнинг якунига қадар уларни харид қилиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

«Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда 2020 йил 15 декабрга қадар қишлоқ хўжалиги техникаларини синаш ва сертификатлаш бўйича халқаро тажрибадан келиб чиқиб, Марказнинг синов лабораториялари халқаро аккредитациядан босқичма-босқич ўтказилишини таъминласин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда харид қилинган синаш воситаларининг қурилиш-монтаж ишлари ҳамда ўқитишда қатнашадиган хорижий мутахассисларни кириш ҳужжатларининг белгиланган тартибда расмийлаштирилишида амалий ёрдам кўрсатсин;

Тошкент вилояти ҳокимлиги ва қурилиш-лойиҳа ташкилотлари билан биргаликда икки ой муддатда Марказнинг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Марказни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит ҳамда грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда уч ой муддатда ягона давлат реестрига киритилмаган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари, уларнинг агрегатлари ва бутловчи қисмларини етказиб берганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун, 2021 йилнинг 1 январига қадар ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган техникалар бундан мустасно, жавобгарликни белгилаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда халқаро молия институтларининг грантлари ва кредитлари ҳисобидан 2020 йил 1 декабрга қадар мувофиқлик сертификатига эга бўлган ва давлат синовларидан ўтган импорт қилинган ва республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиорация техникаларининг ягона давлат реестри интеграциялашган ахборот тизимини яратсин.

Белгилансинки, ушбу ахборот тизимида қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг сертификатга эга эканлиги, синовдан ўтганлиги, балансда сақловчи корхона ҳақида тўлиқ маълумотлар акс эттирилади.

10. «Ўзстандарт» агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари синови синов шартларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилиши ҳамда ягона давлат реестрига киритилган қишлоқ хўжа-

лиги ва мелиорация техникаларидан экинларни етиштиришда фойдаланилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги соҳага тегишли олий таълим муассасалари битирувчи талабаларининг амалиёти қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини синаш ҳамда сертификатлаш ишларига интеграция қилишни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази фаолиятини ташкил этишга оид Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 июнь,
ПҚ-4760-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

291 Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

нинг (кейинги ўринларда — Агентлик) тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 50 та штат бирлиги миқдорида белгиланиб, улардан 10 та штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, 40 та штат бирлиги эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилсин.

Агентлик директориға бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Агентликнинг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича вазирга, директор ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Агентлик директори ўринбосарлари Агентлик директори тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Агентлик ходимлари директор томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, уларга эгаллаган лавозими ва иш стажига мувофиқ, шунингдек, аввалги иш жойида берилган ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик мартабалар) ҳисобга олинган ҳолда (мавжуд бўлганда) мартаба даражалари берилади;

Агентликда ишлаган давр ҳарбий ва махсус унвонларни олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади ҳамда уларни Агентликда ишлаш даврида бериш олдинги иш жойи бўйича назарда тутилган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

3. Агентлик ходимларига Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ходимлари учун белгиланган моддий рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилсин.

4. Агентлик уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Агентлик ходимлари учун халқаро ташкилотлар ва етакчи хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш органларида стажировка ўташ ва тажриба алмашиш графигининг хорижий ҳамкорлар билан ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси билан биргаликда Агентликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Агентлик фаолиятини, шу жумладан, коррупцияга оид жиноятлар бўйича давлат фойдасига қаратилган маблағлар ва қай-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тарилган активлар ҳисобидан молиялаштиришнинг шаффоф механизмларини жорий этиш юзасидан таклифларни киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда Агентликнинг юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини, шунингдек, зарур алоқа, жумладан, ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 июнь,
ПҚ-4761-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

292 Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чоратadbирлар тўғрисида*

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини бошқариш тизимини янада мақбуллаштириш ва такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятини тугатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятини тугатиш комиссияси иловага** мувофиқ таркибда тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖни тугатиш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқласин ва унинг бажарилишини таъминлансин.

3. Белгилансинки, «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ корхоналари учун имтиёзлар ва преференциялар (қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бундан мустасно) бериш бўйича илгари қабул қилинган қонун ҳужжатлари

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўз кучини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли ҳужжатлари билан белгиланган муддат тугагунга қадар сақлаб қолади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июнь,
ПҚ-4765-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

293 Табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси шаклидаги Китоб геология миллий табиат боғини ташкил этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг Китоб давлат геология қўриқхонаси давлат муассасаси ҳудудидаги асрлар давомида шаклланган ноёб табиат ёдгорликлари ҳамда девон даврига мансуб халқаро эътироф этилган «Зинзилбан» кесмасининг геология фанида тутган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ҳудуднинг геотуризм ва иқтисодий салоҳиятини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Китоб давлат геологик қўриқхонаси давлат муассасаси негизида табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси шаклидаги Китоб геология миллий табиат боғини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўми-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 1 июлда эълон қилинган.

таси тасарруфидаги Китоб давлат геология қўриқхонаси давлат муассасаси негизида табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси шаклидаги Китоб геология миллий табиат боғини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июнь,
ПҚ-4766-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 30 июндаги
ПҚ-4766-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги ПҚ-3067-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига асосан давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган давлат мулки объектлари рўйхатининг 165-бандидаги «Китоб давлат геология қўриқхонаси» ДУК» сўзлари «Китоб геология миллий табиат боғи» табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3578-сон қарорига 4-иловадаги «Китоб Давлат геология қўриқхонаси» сўзлари «Китоб геология миллий табиат боғи» табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**294 Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини
оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнгги йилларда республикада деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган майдонлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, «Томорқа хизмати» МЧЖ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини янада кенгайтириш ва аҳоли томорқаларини хизматлари билан қамраб олиш даражасини ошириш, шунингдек, маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини янада кўпайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб беришни ташкил этиш учун «Томорқа хизмати» МЧЖларга иссиқхона, совутгичли омборхоналар, чорвачилик мажмуалари қуриш учун асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ер майдони ажратиш;

«Томорқа хизмати» МЧЖлар кузатув кенгашлари таркибига, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси аъзо бўлиб киришлари;

аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб бериш, маҳсулотларни сотишни ташкил қилиш учун вилоятлар ва туман (шаҳар)лар марказий деҳқон бозорларида, аҳоли гавжум пунктларида «Томорқа хизмати» МЧЖлар учун махсус савдо майдонларини ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

1-иловада** келтирилган кластер усулида фаолият юритадиган «Томорқа хизмати» МЧЖларга 3 йил муддатга кредит ёки уларнинг устав капиталига кейинчалик сотиш ҳуқуқи билан улуш ажратсин;

аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун 20 — 30 тонналик кичик ҳажмли совутгичлар барпо этиш учун кредит ажратсин;

тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Мар-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 1 июлда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

казий банкининг асосий ставкасида уч ой имтиёзли давр билан бир йил муддатга 4 фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш йўналишида 2 миллион сўмгача Оилавий тадбиркорлик маркази ҳулосасисиз On-line тарзда томорқа ер эгаларига микрокредитлар ажратиш механизмини жорий этсин.

3. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан:

2023 йил 1 январга қадар «Томорқа хизмати» МЧЖ ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативларига бериладиган кредитлар бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 3 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда кафиллик берилиши белгилансин;

фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари, «Томорқа хизмати» МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги кооперативларига Фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низом талабларини ҳисобга олган ҳолда, ажратиладиган кредитлар фоиз ставкасининг 7,5 фоизли пунктгача қоплаб бериш тизими жорий этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инкирозга қарши курашиш жамғармасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида камида 30 та аҳоли томорқаларини суғориш учун ер ости сувларига қудуқларни бурғулаш харажатларининг 70 фоизини, бироқ 120 миллион сўмдан ошмайдиган қисмини қоплашга субсидия ажратсин.

5. 2022 йил 1 январга қадар 2-иловага* мувофиқ товарларни олиб киришда божхона божининг (божхона расмийлаштируви учун тўлов ва қўшилган қиймат солиғидан ташқари) ноль ставкалари белгилансин.

6. «Ўзбекчорванасл» агентлиги бир ой муддатда цистернада автоматлашган сут ҳажмини ўлчаш ва тозалаш механизмига эга сут маҳсулотлари йиғиш машиналари ҳамда мотокультиваторларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда «Ўзавтосаноат» АЖга техник вазифани киритсин.

«Ўзавтосаноат» АЖ «Ўзбекчорванасл» агентлигининг техник вазифаси асосида, бир ой муддатда цистернада автоматлашган сут ҳажмини ўлчаш ва тозалаш механизмига эга сут маҳсулотлари йиғиш машиналари ҳамда мотокультиваторларни маҳаллийлаштириш бўйича аниқ чораларни кўрсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 апрель ва 1 августга қадар сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларида қазиладиган қудуқларнинг манзилли дастурини шакллантиради ва тасдиқлайди;

лойиҳа ташаббускорларига белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга асосан ажратиладиган субсидиялар 2020-2021 йилларда Инкирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан ҳамда 2022 йилдан бошлаб Ўзбе-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

бир ой муддатда тупроқ-иқлим хусусиятларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик экинларининг уруғ ва кўчатларини ҳудудлар кесимида экиш, етиштириш ва сифатли маҳсулот олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишини ва жойларга етказилишини;

2021 йил 1 январга қадар Фарғона вилоятида «Томорқа хизмати» МЧЖ таклифлари асосида Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари ҳузуридаги «Ахборот-маслаҳат марказ»лари (Extension center) ҳамда «In-vitro» лабораторияси томонидан ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлари ва кўчатларини тайёрлаш, етказиб бериш, ўсимликларни касаллик ва зараркундалардан химоя қилиш ҳамда етиштириш агротехникаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш юзасидан маслаҳат ва тавсиялар бериш бўйича хизматларнинг шартнома асосида ташкил этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориб, коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланган ҳолда икки марта ҳосил олиш ишларини ташкил этсин.

10. Тошкент давлат аграр университети, Фарғона вилояти Қува туманидаги Томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий маркази «Томорқа хизмати» МЧЖлар таклифлари асосида уларнинг ходимларини ва бирга ишловчи томорқа ер эгаларининг малакасини оширишни тизимли ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А. Хаитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июнь,
ПҚ-4767-сон

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**295 Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги
фаолиятини ташкил этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислох қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6017-сон Фармониға мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловаға** мувофиқ;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони:

75 штат бирлигидан иборат Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловаға** мувофиқ;

766 штат бирлигидан иборат Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг ҳамда туман (шаҳар) бўлимларининг тузилмалари 3 ва 4-иловаларға** мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) директориға зарурат бўлганда, Агентликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар тузилмалариға бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони ҳамда меҳнатға ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ёшлар ҳаёти, орзу-интилиш ва муваффақиятларини кенг ёритиш, муаммо ва камчиликлари ечимига қаратилган кўрсатув, мақола ва эшиттиришлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида ушбу йўналишда фаолият юритувчи оммавий ахборот воситалари ва нашриётлардаги улушларини Агентликка бериш ҳамда Агентлик томонидан улар негизида акциядорлик жамияти шаклидаги «Yoshlar media holdingi»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Агентлик уч ой муддатда «Yoshlar media holdingi» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Агентлик:

ёшлар йўналишида фаолият кўрсатувчи нодавлат нотижорат ташкилот-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 1 июлда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларига ўз фаолиятини йўлга қўйиш, амалга ошириш ва ривожлантиришда ҳар томонлама ташкилий ва амалий ёрдам кўрсатсин;

уч ой муддатда «Камалак» болалар ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, шунингдек, ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни тизимли равишда амалга оширувчи давлат бошқарув органи ҳисобланади;

Агентликнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар учун мажбурийдир;

давлат ва давлат улуши мавжуд бўлган олий таълим муассасасининг ёшлар билан ишлаш бўйича проректори (филиал директори ўринбосари) лавозимига номзод Агентлик билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Агентлик билан мажбурий равишда келишилади;

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ҳар чоракда тегишли халқ депутатлари Кенгашлари йиғилишларида ёшлар фаолияти билан боғлиқ соҳаларда учраётган долзарб муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечими бўйича ахборот беради;

Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари давлат органлари ва ташкилотларига ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурларнинг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш талаби билан сўров юбориш ҳуқуқига эга;

Агентлик давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига ёшлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

Агентлик ёшлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларга ҳар томонлама қўмаклашиш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга масъул ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

5. Белгилансинки:

а) Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

б) Агентлик директорининг ўринбосарлари, шу жумладан, биринчи

ўринбосари Агентлик директори тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

в) мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва тиббий хизмат кўрсатиш шартларига кўра:

Агентлик директори — вазирга, унинг биринчи ўринбосари — вазирнинг биринчи ўринбосарига, ўринбосарлари — тегишли равишда вазир ўринбосарларига;

Агентликнинг марказий аппарати ходимлари — вазирликлар марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ходимлари эса — вазирликлар ҳудудий бўлинмалари ходимларига тенглаштирилади;

г) Агентлик марказий аппарати ходимларига ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра лавозим маошларини аниқлашда тариф коэффициентлари 1,8 барабар миқдорда, Агентлик ҳудудий бўлинмалари ходимларига 1,2 барабар миқдорда қўлланилади.

6. Агентлик директори икки ой муддатда Агентликнинг унга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг унинг Марказий ва ҳудудий кенгашлари балансидаги ва оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бино ва иншоотлари, шунингдек, мол-мулкларини (фаолиятини таъминлашга етарли қисмини ўз балансида сақлаб қолган ҳолда) ўрнатилган тартибда давлат мулки сифатида оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишлича Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Агентликнинг марказий аппарати Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 11-уй манзилдаги бинога жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Агентлик, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорнинг 7-бандида кўзда тутилган бино ва иншоотлар, шунингдек, мол-мулкларни хатловдан ўтказсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу мол-мулкларнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини таъминлашга етарли қисмини унинг балансида сақлаб қолган ҳолда Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Агентлик, Молия вазирлиги Ёшлар марказлари ва ёшлар учун мўлжалланган бошқа инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари Агентликка ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилишини инобатга олсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар «Ёшлар ижод саройи» қошидаги Ёшлар симфоник оркестри негизида Ўзбекистон давлат симфоник оркестрини ташкил этиш ва амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари сақланиб қолган ҳолда

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тузилмасига ўтказиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон давлат симфоник оркестри фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағларни 2020 йилда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи учун давлат бюджетида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан ажратсин, 2021 йилдан бошлаб эса — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Агентлик билан биргаликда икки ой муддатда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларидаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилот етакчиларини сақлаш харажатларини қоплаш юзасидан таклиф киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларини белгиланган тартибда юқори тезликдаги Интернет тармоғига улашни, шунингдек, зарур алоқа, жумладан, ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

13. Агентлик:

молия, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, бандлик ва меҳнат муносабатлари, ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Бош прокуратураси, Олий суди, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистика ахбороти;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг таҳлилий материаллари мажбурий юбориладиган реестрга киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини (кейинги ўринларда — Институт) Агентлик тузилмасига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ёшларга оид давлат сиёсати ижроси мониторингини олиб бориш, ёшлар муаммоларини тизимли ўрганиш ва уларни ҳал этишга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат ҳокимияти, вазирлик, идора ва ташкилотларда фаолият юритувчи истиқболли ёш кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, улар фаолиятини услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш, ёш бошқарув ходимларини профессионал жиҳатдан ривожлантириш учун ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаш;

ёшларга оид қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари лойиҳаларини

тайёрлашда иштирок этиш, уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

вазирлик, идора ва ташкилотлар буюртмалари асосида ёшлар муаммоларини ўрганишга қаратилган фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш;

ёшлар дуч келаётган долзарб муаммолар, уларнинг барқарор ривожланишига тўсиқ бўлаётган таҳдидларни аниқлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказиш;

ёшлар соҳасидаги ишларни самарали йўлга қўйишга қаратилган услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, анжуманлар, «давра суҳбатлари» ва илмий-амалий семинарлар ташкил этиш;

ёшлар масалаларида Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ва халқаро ҳамкорлик истиқболлари борасида қўшма тадқиқотлар олиб бориш.

15. Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг тузилмаси 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

16. Белгилансинки:

Институт Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг барча ҳуқуқ, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Институт асосий фаолияти ёшлар муаммоларини ўрганиш, мазкур йўналишда илмий ва таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда истиқболли ёш кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга йўналтирилган юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси ҳисобланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда шахсий қазна ҳисобварақларига эга бўлади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Институт фаолиятига доимий равишда илмий-услубий ёрдам кўрсатиб боради;

Институт директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, моддий рағбатлантириш ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш шартларига кўра Институт директори — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси про-ректорага, ходимлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ходимларига тенглаштирилади;

Институт директори ходимларига моддий рағбатлантириш махсус фонди ҳисобидан тариф ставкасининг 100 фоизигача миқдорида ойлик устамалар белгилаш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа моддий рағбатлантириш чораларини қўллаш ҳуқуқи берилади;

ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун Институт шартнома асосида таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари, шунинг-

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дек, вазирлик, идора ва ташкилотлар мутахассисларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

17. Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг давлат илмий дастурларида назарда тутилган маблағлар;

хўжалик фаолияти ҳамда шартнома асосида ўқув, методик ва илмий-тадқиқот лойиҳалари, ахборот-таҳлил ҳамда таҳририй-нашриёт ишларини бажариш, таълим ва бошқа хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотларнинг грантлари доирасида тушадиган маблағлар.

18. Институт Тошкент шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида 2020 йилда Агентлик ҳамда Институт таъминоти учун маблағлар ажратсин, 2021 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар харажатларни молиялаштириш 2020 йил учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқига давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин;

Агентлик марказий аппарати учун 8 та хизмат автотранспорт воситасини, шу жумладан, 6 та шахсий бириктирилган хизмат автотранспорт воситаси, 1 та навбатчи автотранспорт воситаси ва 1 та микроавтобус ҳамда ҳудудий бошқармалар учун 14 та хизмат енгил автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит белгиласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3206-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

21. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Агентлик директори — ушбу қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул вазирлик, идора ҳамда ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин, белгиланган вазифалар ижроси бўйича юзага келадиган масалаларни тезкорлик билан ҳал этилишини таъминласин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Д. Хаджаев — ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июнь,
ПҚ-4768-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

296 **Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Фаолият кўрсатмаётган, фойдаланилмасдан турган нотурар объектлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни ташкилотларнинг хўжалик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик):

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги «Давлат мулкани ижарага бериш маркази» давлат унитар корхоналари негизда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаларини (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) ташкил этиш;

Агентлик тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 июлда эълон қилинган.

бошқариш агентлиги директори ўринбосари — Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази директори (кейинги ўринларда — Марказ директори) лавозимини киритиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча тоифадаги бўш турган нотурар бино ва иншоотларни, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини (кейинги ўринларда — бўш турган объектлар) аниқлаш ва ҳисобини юритиш;

бўш турган давлат мулки объектларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, давлат мулки объектларини ижарага беришни ташкил этиш;

ижарага берилган давлат мулки объектларини ва уларни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва уларнинг мониторингини олиб бориш;

ижарага берилган давлат мулки объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

давлат муассасалари (корхоналари)га бириктирилган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланилиши ва уларнинг сақланишини белгиланган тартибда текшириш;

давлат муассасалари (корхоналари)га оператив бошқарув ҳукуқи билан берилган давлат мулки объектларининг ортиқча қисмини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларини олиб қўйиш;

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ҳулосасига асосан яроқсиз деб топилган давлат мулки объектларини бузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

бўш турган хусусий мулк объектларини уларнинг мулкдорлари ихтиёрига кўра ижарага берилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш.

Марказ давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида барча давлат органларидан, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ва бошқа давлат ташкилотларидан зарур бўлган ахборот ва материалларни сўраб олишга ҳақли.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг марказий аппарати тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар:

Марказнинг бошқарув ходимлари чекланган сони 309 нафар, шу жумладан, марказий аппарат бошқарув ходимлари сони — 22 нафар этиб;

Агентликнинг Бўш турган давлат объектларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бошқармаси тугатилиб, унинг 8 та штат бирлиги Марказга ўтказилиши;

Марказнинг марказий аппарати моддий-техник таъминоти ва 9 нафар

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бошқарув ходимлари штат бирлигини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилиши;

худудий бошқармаларнинг 287 нафар бошқарув ходимлари штат бирлигини, шунингдек, марказий аппаратининг 13 нафар бошқарув ходимлари штат бирлигини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

Белгилансинки, Марказ ва худудий бошқармалар ходимларига, тўлов манбаларидан қатъи назар Агентлик ва унинг худудий бошқармалари ходимлари учун қонун ҳужжатларида ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

Марказ директорида Агентлик директори билан келишилган ҳолда Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан марказий аппарат ва худудий бошқармаларга бошқарув ходимларининг қўшимча штат birlikларини киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қуйидагилар Марказ ва худудий бошқармалар фаолиятини (ходимларнинг иш ҳақи, мукофотлар, устамалар ва бошқа тўловлар) молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

давлат мулки объектлари ижарасидан қонунчиликда белгиланган тартибда тушадиган маблағлар;

Агентлик ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Белгилансинки:

Марказ Агентликнинг тугатилаётган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий бошқармалари ҳузуридаги «Давлат мулкни ижарага бериш маркази» давлат унитар корхоналарининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан, шартномавий муносабатлар бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

бўш турган объектлар тўғрисидаги маълумотлар Марказ томонидан автоматлаштирилган тизим орқали тегишли давлат органларидан олинади;

Марказ ва худудий бошқармалар ходимлари ўз ваколатлари доирасида бўш турган объектларга тўсқинликсиз киради ва кўздан кечирилади. Бунда, хусусий мулк объектларига кириш ва уларни кўздан кечириш Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида амалга оширилади;

Марказ ва худудий бошқармаларга тегишли давлат мулки объектларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Марказ ҳисобидан, пул маблағлари мавжуд бўлмаганда Агентлик ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

Марказ бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича кўрилатган чоралар тўғрисида ҳар йили 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боради;

бўш турган объектлар тўғрисида маълумотлар (объект тўғрисидаги қисқа маълумот, геолокация жойлашуви ва бошқалар) Марказнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва ҳар ойда янгилаб борилади;

белгиланган тартибда тузилган фойдаланилмаётган объектларни аниқлаш ва фойдаланилмаётган объектларни хўжалик фаолиятига жалб этиш бўйича ишчи гуруҳлар ҳудудий бошқармаларга ҳафталик ахборот киритиб боради;

ҳудудий бошқармалар ходимлари туман (шаҳар)ларнинг ҳар бир маҳалласига бириктирилади ҳамда ваколати доирасида маҳалла ҳудудида жойлашган бўш турган объектларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этади;

бўш турган давлат мулки объектлари, Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган объектлар бундан мустасно, сақлаш ва улардан келгусида самарали фойдаланиш (хусусийлаштириш, ижарага бериш ва бошқа) мақсадида Марказ ва ҳудудий бошқармаларга топширилади;

бўш турган объектлар рўйхати Марказ томонидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига киритиб борилади;

Марказнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) барча аукцион савдолари натижалари QR-код (матрик штрихли код)ни қўллаш орқали расмийлаштирилади;

б) «E-IJRO AUCTION» тизимида қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий қилинади:

«мобиль идентификация қилиш» билан шахсни идентификациялаш имконини берувчи мобиль иловалар орқали аукционда иштирок этиш;

давлат мулки объектларини ижарага бериш шартномасини ижарага берувчи ва ижарачи ўртасида электрон шаклда (шу жумладан, электрон рақамли имзо орқали) икки томонлама тузиш орқали расмийлаштириш;

савдоларда мавжуд бўлган лотлар ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига оловчи доимий янгиланиб турадиган ва Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган электрон каталогни яратиш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси доимий равишда бўш турган объектларни аниқлаб, уларни Марказ ва ҳудудий бошқармаларга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиб бориш чораларини кўрсин.

8. Агентлик бир ой муддатда:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда:

Марказ ва ҳудудий бошқармаларни замонавий техника билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Марказ ва ҳудудий бошқармалар зиммасига юклатилган вазифалар юзасидан судларга киритиладиган даъволар ва аризалар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Бинолардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонаси негизида давлат муассасаси шаклидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бинолардан фойдаланиш дирекциясини ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарор ижросини таъминлаш доирасида Марказнинг харажатлари учун 2020 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағ ажратсин ва 2021 йилдан бошлаб зарур бюджет маблағларини кўзда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йил учун тасдиқланган харажатлар параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Марказга хизмат автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин ва 3 та, шу жумладан, 2 та шахсий бириктирилган, хизмат автотранспорт воситаларини сақлашга лимит ажратсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказ мурожаатига асосан уни ўрнатилган тартибда ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 1 июль,
ПҚ-4771-сон

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**297 Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилиш чоралар кўриш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Аҳолини давлат ижтимоий ҳимоя тадбирлари билан тўлиқ қамраб олиш ҳамда соғлиқни сақлаш ва санитария-эпидемиология хизматининг коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятларини ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Жаҳон банки томонидан «Ўзбекистонда коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилиш чоралар кўриш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) амалга ошириш учун 30 йил муддатга, 5 йиллик имтиёзли давр билан жами 95 млн АҚШ доллари миқдоридаги қарз маблағлари ажратилиши маъқулланганлиги;

Лойиҳанинг мақсадлари Ўзбекистонда коронавирус инфекциясига қарши шошилиш чоралар кўриш учун соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, карантин тадбирлари амал қилиши даврида кам таъминланган оилалар ва ишсизларга вақтинчалик нафақалар бериш тизимини кенгайтириш ҳисобланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда халқаро молия институтларининг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан олиб кириладиган товарлар (хизматлар) божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ҳамда улар ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (хизматлар) қўшилган қиймат солиғидан озод этилиши;

Лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикасининг улуши жами 11,75 млн АҚШ долларини, жумладан, 6,88 млн АҚШ доллари миқдоридаги солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда 4,87 млн АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция даври мобайнидаги Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан амалга ошириладиган тўловларни ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Халқаро тараққиёт уюшмасининг (кейинги ўринларда — ХТУ) кредитидан самарали фойдаланишни мониторинг қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти томонидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги ХТУ кредитидан мақсадли фойдаланиш ҳамда лойиҳани самарали амалга ошириш учун масъул ижро этувчи вазирликлар ҳисобланади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 2 июлда эълон қилинган.

«Шошилинч тиббий ёрдамни такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш гуруҳига қўшимча 1 штат бирлиги ажратилади ҳамда хизмат кўрсатувчи «Асака» АТБда Лойиҳа учун алоҳида ҳисоб рақамлари очилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «O'zmedimpeks» давлат унитар корхонаси Лойиҳа доирасида тузилган шартномалар бўйича контрагент ҳисобланади;

ХТУ кредити бўйича қарзни тўлаш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, комисион ва бошқа харажатлар бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан қопланади.

3. Қуйидагилар:

«Ўзбекистонда коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилинч чоралар кўриш» лойиҳасининг параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекистонда коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилинч чоралар кўриш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Жаҳон банки томонидан ажратиладиган қарзни сўндириш ҳамда қарз бўйича фоиз ва комиссияларни тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига Ўзбекистон Республикаси номидан ХТУ билан кредит битимини имзолаш ваколати берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тиббиёт муассасаларида мавжуд тиббий буюм, тиббий техника ва жиҳозлар хатлови асосида бир ой муддатда Лойиҳа доирасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун сотиб олинadиган тиббий буюм, тиббий техника ва жиҳозлар рўйхатини тасдиқласин;

ХТУ кредити орқали етказиб берилган товарларни сотиб олиш ва етказиб бериш хизматлари учун харажатларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун тасдиқланган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширсин.

6. Масъул ижро этувчи вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тегишлича қуйидагилар учун шахсий жавобгарлик юклатилсин:

Лойиҳа доирасида харид қилинадиган ускуналарни ўрнатиш ва монтаж қилиш учун тиббиёт муассасаларини тайёрлаш;

Лойиҳа тадбирларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

Лойиҳа доирасида ижтимоий нафақаларнинг мақсадли ва манзилли тайинланиши ҳамда ўз вақтида тўланишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Лойиҳа доирасидаги маблағлар ҳисобидан ишсизлик бўйича нафақаларнинг манзилли ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг виза талабномаларига биноан Лойиҳани амалга оширишда

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

иштирок этадиган хорижий мутахассислар учун белгиланган тартибда кириш визаларининг консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан, зарур ҳолларда, Ислом Қаримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропортида расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев: икки ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари, «O'zmedimpeks» ДУК раҳбар ва ходимлари таркибини қайта кўриб чиқсин ва уларни профессионал билим даражасига эга бўлган, малакали ходимлардан иборат таркибда шакллантириш чорасини кўрсин;

соғлиқни сақлаш соҳасида чет эл кредитлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириб борсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.У. Умурзаков ва Б.А. Мусаевлар зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 2 июль,
ПҚ-4772-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

298 Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, яйлов ва пичанзорлардан самарали фойдаланиш ҳисобига аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш даражасини яхшилаш ҳамда даромадини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикасида умумий қиймати 490 млрд сўмлик 236 та чорвачилик соҳасидаги лойиҳалар шакллантирилганлиги, бугунги кунда 119,6 млрд сўмлик 94 та лойиҳа амалга оширилганлиги ҳамда Қўнғи-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 июлда эълон қилинган.

рот, Бўзатов, Мўйноқ ва Тахтакўпир туманларида 5,5 минг бош қорамолга мўлжалланган оилавий чорвачилик кооперациялари ташкил қилиш бўйича ишлар бошланганлиги;

Нукус шаҳрида чорвачилик соҳасидаги 20 га яқин етакчи хорижий компания вакиллари иштирокида «Халқаро агросаноат ярмаркаси» ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги «Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4512-сон қарорида белгиланган имтиёзлар (чорва молларини саноат усулида боқиш учун суғориладиган ерлар ҳамда уларни ҳайдаб боқиш учун пичанзор ва яйловлар, чорвачилик комплекслари, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, омухта ем ишлаб чиқариш мақсадида бино ва иншоотлар қуриш учун, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер участкаси бўлмаган тақдирда, унумдорлиги паст суғориладиган ер участкаларини танлов ва аукцион ўтказмасдан, Комиссиянинг тавсиясига асосан ажратиш, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан бир вақтнинг ўзида компенсация билан биргаликда кафиллик ҳам бериш) Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларига татбиқ этилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қорақалпоғистон Республикасида чорвачиликни жадал ривожлантириш бўйича комиссия тавсиясига асосан чорвачилик учун ажратилган ерлардан самарали ва мақсадли фойдаланилиши бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг компенсация ва кафиллигидан фойдаланган Қорақалпоғистон Республикасидаги чорвачилик соҳасидаги тадбиркорлик субъектларига, уларнинг кредит бўйича қарздорлиги тўлиқ қопланмагунча, истисно тариқасида, жамғарманинг кафиллигидан фойдаланишга рухсат берилади.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 3 июль,
ПҚ-4776-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ****299 Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари
ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тас-
диқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3250*

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 майдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 июнь,
147-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2020 йил 26 июндаги
147-мх-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари
хузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари хузуридаги малака комиссиялари (бундан буён матнда малака комиссияси деб юритилади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Қонуннинг 3¹-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий адлия бошқармаси деб юритилади) хузуридаги малака комиссиялари хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) тўхта-тиб туриш ва тугатиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш мақсадида ташкил этилади.

2. Малака комиссияси йиғилишларининг ҳолислиги ва одиллигини таъминлаш мақсадида, заруратга қараб, уларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ходимлари овоз бериш ҳуқуқисиз (кузатувчи сифатида) иштирок этиши мумкин.

2-боб. Малака комиссияси фаолиятини ташкил этиш

3. Малака комиссияси ҳудудий адлия бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатасининг (бундан буён матнда Нотариал палата деб юритилади) тегишли ҳудудий бошқармаси вакиллари, нотариуслар ҳамда адлия органларининг ходимлари орасидан беш нафардан тўққиз нафар кишигача бўлган таркибда тоқ миқдорда тузилади.

4. Малака комиссияси таркиби тегишли ҳудудий адлия бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан уч йил муддатга тасдиқланади.

Зарурат бўлганда малака комиссияси раисининг тақдимномасига кўра

худудий адлия бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан комиссия таркиби ўзгартирилиши ёки қайта тасдиқланиши мумкин.

5. Малака комиссияси ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилишда мустақил ҳисобланади ва унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

6. Худудий адлия бошқармаси бошлиғининг нотариат соҳасига раҳбарлик қилувчи ўринбосари қоида тариқасида малака комиссияси раиси ҳисобланади.

Худудий адлия бошқармаси Ҳукукий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бўлимининг нотариат соҳаси бўйича масъул ходими малака комиссияси котиби (бундан буён матнда котиб деб юритилади) этиб тайинланади.

7. Малака комиссияси раиси меҳнат таътилида, хизмат сафарида бўлган вақтда ёки бошқа узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган ҳолларда худудий адлия бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан унинг бошқа ўринбосари вақтинча малака комиссияси раиси этиб тайинланади.

8. Малака комиссияси раиси комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ўтказиладиган кун ва вақтни белгилайди, шунингдек, комиссия йиғилишларини ўтказди ва уларга раҳбарлик қилади.

9. Малака комиссияси раиси комиссия ишини ташкил қилиш ва унинг ўз вақтида, тўғри ва ҳаққоний ўтказилиши учун масъул ҳисобланади.

10. Малака комиссияси ўз фаолиятини мазкур Низом ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

11. Малака комиссияларининг моддий-техника таъминоти тегишлилиги бўйича худудий адлия бошқармаси томонидан амалга оширилади.

3-боб. Малака комиссияси йиғилишларини ташкил этиш

12. Малака комиссиясига лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш бўйича судга ариза киритиш масаласини кўриб чиқиш учун худудий адлия бошқармаси ёки Нотариал палатанинг худудий бошқармаси раҳбарининг тақдимномаси асос бўлади.

Котиб тегишли худудий адлия бошқармаси ёки Нотариал палатанинг худудий бошқармаси тақдимномаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни (бундан буён матнда ҳужжатлар деб юритилади) қабул қилиб олади ва шу куннинг ўзида Малака комиссияси йиғилишида кўриб чиқилиши учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхатга олиш китобига тегишли ёзув киритиш орқали қайд қилади.

13. Малака комиссияси йиғилишида кўриб чиқилиши учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби ип ўтказилиб тикилган, тегишли худудий адлия бошқармаси девонхонаси муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Ҳужжатларнинг сақланиши учун котиб масъул ҳисобланади.

14. Котиб комиссия йиғилишида кўриб чиқиш учун қабул қилиб олин-

ган ҳужжатлар ҳақида шу куннинг ўзида малака комиссияси раисини хабардор қилади.

15. Котиб комиссиянинг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқиши учун ҳудудий адлия бошқармаси ёки Нотариал палатанинг ҳудудий бошқармаси тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳар бири бўйича алоҳида комиссия аъзолари сонига мутаносиб равишда тегишли ҳужжатлар нусхаларини тайёрлайди.

16. Малака комиссияси раиси тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш мақсадида малака комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтадиган кун ва вақтни белгилайди.

Бунда, ҳужжатлар бир ёки бир нечта бўлишидан қатъи назар, улар малака комиссиясига келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида малака комиссияси томонидан кўриб чиқиши шарт.

17. Котиб комиссия йиғилиши ўтказиладиган кундан камида икки кун олдин малака комиссиясининг барча аъзоларини ҳамда лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш билан боғлиқ ишлар кўриб чиқиши режалаштирилган нотариусни (бундан буён матнда нотариус деб юритилади) комиссия йиғилиши ўтказиладиган кун ва вақт ҳақида хабардор қилади.

18. Малака комиссияси раиси комиссия йиғилиши ўтказиладиган кундан камида икки кун олдин навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтадиган кун ва вақт, шунингдек, кун тартибидаги масала юзасидан Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармасига ёзма ёки электрон шаклда хабар беради.

19. Нотариус унга хабар берилган кун ва вақтда комиссиянинг йиғилишида иштирок этиши мумкин.

20. Малака комиссияси йиғилишида нотариуснинг иштирок этиши талаб этилмайди, бунда нотариуснинг комиссия йиғилишида қатнашмаслиги йиғилишни ўтказишни қолдириш ёки кун тартибидаги унга тегишли масалани кўриб чиқмаслик учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

4-боб. Малака комиссияси йиғилишини ўтказиш

21. Малака комиссияси йиғилишида комиссия аъзолари, шунингдек, нотариусдан (масаласи кўриб чиқиши давомида) бошқа шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди, малака комиссияси раисининг рухсати билан комиссия йиғилишида кўрилаётган масала юзасидан таклиф қилинадиган шахсларни жалб этиш ҳоллари бундан мустасно.

22. Котиб йиғилишда кўриб чиқиш учун кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тайёрланган ҳужжатлар нусхаларини комиссиянинг барча аъзоларига тарқатади.

23. Раис кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича комиссияга келиб тушган ҳужжатлар мазмуни ҳақида комиссия аъзоларига алоҳида ўқиб эшиттиради.

24. Малака комиссияси кун тартибидаги ҳар бир масалани алоҳида-

алоҳида муҳокама қилади. Малака комиссияси муҳокамада таклиф қилинган шахсларнинг тушунтириш ва изоҳларини эшитишга ҳақли.

25. Малака комиссияси томонидан нотариус лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш Қонуннинг 15²-моддаси биринчи қисми ҳамда мазкур Низомнинг иловасига* мувофиқ Хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келадиган қоидабузарликлар ҳоллари ва улар бўйича лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддатларига асосан амалга оширилади.

Бунда, нотариус томонидан мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ қоидабузарликлар ҳоллари ва муддатларида назарда тутилган қоидабузарликларнинг бир нечтаси содир этилганлиги аниқланган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш аниқланган қоидабузарликлар учун белгиланган энг кўп муддат доирасида амалга оширилади.

26. Малака комиссияси томонидан нотариус лицензиясининг амал қилишини тугатиш бўйича маъмурий судга ариза киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш Қонуннинг 15³-моддаси иккинчи қисмига асосан амалга оширилади.

Қоидабузарлик содир этилганлиги учун малака комиссиясининг нотариус лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир йил давомида нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ёки Нотариусларнинг касб этикаси қоидалари ёхуд нотариал ҳаракатларнинг сири ва нотариус қасамёдининг тақроран бузилганлиги мунтазам равишда қоидабузарлик содир этилган деб ҳисобланади.

Қуйидаги қоидабузарликлар нотариуснинг бир марта кўпол равишда қоидабузарлик содир этилганлиги деб ҳисобланади:

нотариал ҳаракатларнинг махфийлигига риоя қилинмаганлиги;

бошқа шахсга ўтказишга тақиқ қўйилган ва (ёки) хатланган мол-мулкни тасарруф этиш тўғрисида битимнинг тасдиқланганлиги,

нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришда имзонинг факсимилесидан фойдаланилганлиги ва (ёки) муҳрни бошқа шахсларга берилганлиги;

нотариал ҳаракатларни бошқа шахс томонидан амалга оширилишига йўл қўйганлиги;

нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш учун ўзи ёки воситачи орқали қонун ҳужжатларида белгиланганидан ташқари моддий манфаат кўрганлиги.

27. Малака комиссияси томонидан Қонуннинг 15² ва 15³-моддалари ҳамда мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳолларда нотариус лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида, шунингдек, нотариус лицензиясининг амал қилишини тугатиш бўйича маъмурий судга ариза киритиш тўғрисида қарор қабул қилинишга йўл қўйилмайди.

28. Малака комиссияси томонидан тегишлилиги бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

нотариус лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нотариус лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туришни рад этиш тўғрисида;

нотариус лицензиясининг амал қилишини тугатиш бўйича маъмурий судга ариза киритиш тўғрисида;

нотариус лицензиясининг амал қилишини тугатиш бўйича маъмурий судга ариза киритишни рад этиш тўғрисида.

29. Малака комиссияси томонидан нотариус лицензияси амал қилишини тугатиш бўйича маъмурий судга ариза киритиш тўғрисида қарор қабул қилинганда ҳудудий адлия бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан нотариус лицензиясининг амал қилиши суднинг қарори қонуний кучга киргунига қадар, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилади.

30. Малака комиссияси қарори комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, малака комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Малака комиссияси йиғилиши унинг аъзолари умумий сонининг камидан учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

31. Малака комиссияси йиғилиши баённома билан расмийлаштирилади. Бунда комиссия йиғилиши баённомаларини расмийлаштириш комиссия котиби томонидан амалга оширилади.

32. Малака комиссияси йиғилиши баённомаси комиссиянинг ҳар бир аъзоси томонидан имзоланади ҳамда тасдиқлаш учун комиссия раисига тақдим этилади.

33. Малака комиссияси котиби комиссия раиси томонидан тасдиқланган баённома нусхасини комиссия йиғилиши бўлиб ўтган кундан бошлаб бир кун ичида тегишли ҳудудий адлия бошқармасига ва Нотариал палатанинг тегишли ҳудудий бошқармасига ҳамда нотариусга етказилишини таъминлайди.

34. Нотариус малака комиссияси қароридан норози бўлган тақдирда, комиссия йиғилиш баённомаси нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссиясига ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Якуний қоидалар

35. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

36. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси билан келишилган.

Нотариал палата раиси

Д. АШУРОВ

2020 йил 25 июнь

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2020 йил 26 июндаги
147-мх-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 29 октябрдаги 232-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2151, 2010 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 390-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 3 октябрдаги 228-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2151-1, 2011 йил 3 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 438-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 26 сентябрдаги 245-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2151-2, 2014 йил 26 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 40-сон, 501-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 29 декабрдаги 390-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2151-3, 2015 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 52-сон, 653-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 10-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомнинг 21-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2151-4, 2018 йил 6 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.01.2018 й., 10/18/2151-4/0522-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги 270-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2151-5, 2018 йил 10 май) (Қонун

ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2018 й., 10/18/2151-5/1195-сон).

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги 567-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2151-6, 2018 йил 26 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2018 й., 10/18/2151-6/2379-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

300 **Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-12*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ва «Давлат божи тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2010 йил 23 январдаги 3/5-сон қарори (рўйхат рақами 2093, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
12/3-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
25 майдаги 12/3-сон қарорига
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банддаги «олиб ташланмаган судланганликка эга бўлган» деган сўзлар «судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 9-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Микрокредит ташкилотига лицензия берилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.».

3. 10-банддаги «ва давлат божининг ставкалари» деган сўзлар «миқдори» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**301 Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик
мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш
режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3058-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 июнда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 27 июлдаги 9-мх ва 19-қ/қ-сон қарори (рўйхат рақами 3058, 2018 йил 20 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.08.2018 й., 10/18/3058/1784-сон) билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 июнь,
7-мх-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 июнь,
21-2020-қ/қ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлигининг 2020 йил
15 июндаги 7-мх, 20-2020-қ/қ-сон қарорига
ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик
мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини
шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 15-бандда:

учинчи хатбоши «синф журнали» деган сўзлардан кейин «(босма ёки электрон)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

2. 16 ва 17-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**302 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш
ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшим-
чалар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-10*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органи ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда) билан тасдиқланган Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ 2020 йил 1 июлдан кучга кирази.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 июнь,
150-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2020 йил 29 июндаги
150-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва
қабул қилиш қоидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар — техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар;

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишининг ягона электрон тизими (бундан буён матнда ягона электрон тизим деб юритилади) — идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, шунингдек, қабул қилинган ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказишни таъминловчи электрон тизим;»;

тўртинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 1¹-банд билан тўлдирилсин:

«1¹. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, шунингдек, қабул қилинган ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш фақат ягона электрон тизим орқали амалга оширилади, бундан қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мустасно.».

3. 3-банднинг биринчи хатбоҳиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилади. Вазирлик ва идораларга, агар қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тегишли ҳужжатни қабул қилиш ёки аниқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича ваколат берилган бўлса, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишлари мумкин.».

4. 5-бандда:

биринчи хатбошидаги «(хат, телефонограмма, хусусий масалалар бўйича тушунтиришлар, якка тартибдаги хусусиятга эга ҳужжатлар ва бошқалар)» деган сўзлар «(техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, хатлар, телефонограммалар, хусусий масалалар бўйича тушунтиришлар, якка тартибдаги хусусиятга эга ҳужжатлар ва бошқалар)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилинган давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида такдимнома киритишга ҳақли.

Вазирликлар ва идоралар ўн кун муддатда давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиши ҳамда бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ахборот бериши шарт.».

5. 19-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштирувчи, жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарлик, шунингдек, қўшимча тўлов ва йиғимларни белгилловчи, ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни назарда тутувчи, уларга асосланмаган харажатлар юзага келишига олиб келувчи, рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳуқуқий нормалар мавжудлиги бўйича ўрганилади.»;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

6. 21-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний ва юридик шахслар учун қўшимча тўлов ва йиғимларни белгилайдиган, ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни назарда тутадиган, уларга асосланмаган харажатлар юзага келишига олиб келадиган, рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳуқуқий нормалар киритилиши тақиқланади.».

7. 26-банднинг иккинчи хатбошисидаги «рақамларни ишлатишга» деган сўзлар «рақамлар ва (ёки) ҳарфларни ишлатишга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 34-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «маълумотномасига» деган сўз «хулосасига» деган сўз билан алмаштирилсин.

9. 40-банддаги «икки ёки ундан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилаётган бўлса,» деган сўзлар «киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар икки ёки ундан ортиқ бандни ташкил этса ва (ёки) ҳажми катта бўлса,» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 41-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Бир вақтнинг ўзида иккитадан ортиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган ёхуд ўз кучини йўқотган деб топилаётган бўлса, ушбу ҳужжатлар тегишли равишда мазкур Қоидаларнинг 8, 11а, 11б ва 12-иловаларига мувофиқ буйруқ ёки қарорга илова кўринишида расмийлаштирилади.

Бир вақтнинг ўзида иккитадан ортиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилаётган ёхуд ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш рақамларининг ўсиб бориши бўйича жойлаштирилади.».

11. Қуйидаги мазмундаги 43¹-банд билан тўлдирилсин:

«43¹. Жумланинг, илованинг, бўлимнинг, кичик бўлимнинг, бобнинг, банднинг, кичик банднинг, хатбошининг ва ҳ.к.нинг матнини сезиларли ўзгартириш талаб этилса, уларни янги таҳрирда баён этиш лозим.».

12. 53-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«53. Асосий идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилаётганда, ушбу ҳужжатга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисидаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (уларнинг тегишли тузилмавий бирликлари) ҳам ўз кучини йўқотган деб топилиши керак.».

13. 54-банд «ягона янги ҳужжат» деган сўзлардан кейин «(бундан буён матнда ягона янги ҳужжат деб юритилади)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

14. 55-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг аниқлигини лозим даражада назорат қилишни таъминлаш учун, шунингдек, ягона янги ҳужжат ишлаб чиқилганида вазирлик ёки идора раҳбари (унинг ўринбосари) томонидан имзоланадиган қиёсий жадвал тайёрланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан бирга киритилиши лозим.».

15. 60-банднинг иккинчи хатбошисидаги «пастки ўнг бурчагида» деган сўзлар «юқорисида ўртада» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 63-банднинг иккинчи хатбошисидан иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

17. 64-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«64. Лойиҳа қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ, шунингдек, ҳаволаки нормаларнинг қўлланилиши асосланган ва мақсадга мувофиқ бўлган тақдирда ушбу лойиҳа бўйича юридик хизмат раҳбари томонидан имзоланадиган хулоса тайёрланади.».

18. 65-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«65. Юридик хизмат хулосасида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:»;

«г» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин;

«д» кичик банддаги «гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганлиги» деган сўзлар «коррупцияга қарши ҳамда гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 66-банддаги «маълумотнома» деган сўз «хулоса» деган сўз билан алмаштирилсин.

20. Қуйидаги мазмундаги 66¹-банд билан тўлдирилсин:

«66¹. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга унинг мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат бўлган тушунтириш хати илова қилинади.

Тушунтириш хати вазирлик ёки идора раҳбари (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланади.

Тушунтириш хатида қуйидагилар акс эттирилади:

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлаш учун асос ва уни қабул қилиш зарурлигини асослаш, шу жумладан, ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланадиган асосий қоидалар, уларни қисқача асослаш, шунингдек, ҳужжатни қабул қилишдан кутилаётган натижалар. Бунда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда юз бериши мумкин бўлган ижобий ўзгаришлар келтирилади. Кутилаётган натижалар миқдорий кўрсаткичлар кўрсатилган ҳолда баён қилиниши ҳам мумкин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволанинг ҳар бирини асослаш. Бунда унга ҳавола қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат нормасининг мазмуни қисқача очиб берилади;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинаётган масала юзасидан бошқа давлатларнинг қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибаси ва қонун ҳужжатлари, халқаро шартномалар ва бошқа ҳужжатлар, тегишли қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти, кўриб чиқиладиган масала бўйича илмий адабиётлар ва оммавий ахборот воситаларининг материаллари, шунингдек, агар ўтказилган бўлса, ижтимоий ва бошқа тадқиқотлар маълумотлари;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси келишилган манфаатдор вазирликлар ва идоралар;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар, бунда қоида тариқасида, юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш натижалари Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилган лойиҳа юзасидан муҳокама иштирокчилари таклифларини (изоҳларини) кўриб чиқиш якуни бўйича жадвалда мазкур Қоидаларнинг 12а-иловасига мувофиқ кўрсатилиши мажбурийдир;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни асослаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.».

21. 67-бандда:

биринчи хатбошининг биринчи жумласи «идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси» деган сўзлардан кейин «ягона электрон тизим орқали» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошидаги «имзоланган ва тегишли вазирлик ва идоралар мухри билан тасдиқланган» деган сўзлар «электрон рақамли имзо билан тасдиқланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. 71-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

23. 73 ва 74-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«73. Вазирлик ва идора томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан буйруқ ёки қарорни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш йўли билан қабул қилинади.

Давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вазирлик ва идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланганда, имзолар тегишли вазирлик ва идоранинг мухри билан тасдиқланади.

Қўшма қарорлар қабул қилишда вазирлик ва идораларнинг номи ҳар бир вазирлик ва идора учун тартибга солинаётган масаланинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда кетма-кет жойлаштирилади. Тартибга солинаётган масала бир нечта вазирлик ва идоралар учун тенг аҳамиятга эга бўлган тақдирда, уларнинг номлари алфавит тартибида жойлаштирилади.

74. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат тилида қабул қилинади. Бунда, ҳужжатнинг таржималари бошқа тилларда ҳам қабул қилиниши мумкин.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бошқа тилларда қабул қилинганда, унинг таржимаси давлат тили таҳририга мувофиқ бўлиши лозим.».

24. 76-банднинг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) вазирлик ёки идора раҳбарининг ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахснинг лавозими, электрон рақамли имзоси (давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тегишли вазирлик ёки идоранинг мухри билан тасдиқланган имзоси), исмининг бош ҳарфи ва фамилияси;».

25. 77-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«77. Бир нечта вазирлик ва идораларнинг қўшма қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжати у биринчи бўлиб қабул қилаётган вазирлик ва идора томонидан имзоланган санадан бошлаб ўн кун ичида қабул қилиниши лозим.».

26. 80-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«80. Давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иккита асл нусхада қабул қилинади. Қўшма қарорнинг асл нусхалари сони ҳужжатни тасдиқлаган органлар сонига мутаносиб равишда ҳамда битта асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги учун қабул қилинади.».

27. 81-бандда:

биринчи хатбошининг биринчи жумласи «ўн кун ичида» деган сўзлардан кейин «ягона электрон тизим орқали» деган сўзлар билан тўлдирилсин; иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни белгиланган муддат давомида

хуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилиш факти ягона электрон тизим орқали келиб тушган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги девонхонаси томонидан рўйхатдан ўтказилган санадан қайд қилинади.».

28. 82-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«82. Кузатув хатида идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашга масъул бўлган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва алоқа телефон рақамлари кўрсатилиши лозим.».

29. 84 ва 85-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«84. Давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига вазирлик ва идора раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан имзоланган кузатув хати билан 2 та асл нусхада тақдим қилинади. Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг унинг 1 та асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қолади.».

85. Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатга идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни тақдим этган органнинг юридик хизмати раҳбари (вазирлик ёки идоранинг раҳбари ёки тегишли ўринбосари) томонидан имзоланган юридик хулоса илова қилинади. Юридик хулосада уни имзолаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, алоқа телефон рақамлари кўрсатилиши лозим.».

30. 86 ва 87-бандлардаги «маълумотномада» деган сўз «юридик хулосада» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

31. 90-банднинг биринчи хатбошисидаги «Бунда мазкур» деган сўзлар «Мазкур» деган сўз билан алмаштирилсин.

32. 91-банднинг «е» ва «ж» кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) шаҳарсозлик, экологик нормалар ва қоидалар;

ж) ушбу банднинг «в» — «е» кичик бандларида назарда тутилмаган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатлар. Ушбу банднинг «в» — «ж» кичик бандларида назарда тутилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда хуқуқий экспертизадан ўтказилади;».

33. 93-банднинг «в» ва «г» кичик бандларидаги «ёзув» деган сўз «маълумот» деган сўз билан алмаштирилсин.

34. 98-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«98. Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш ягона электрон тизим орқали идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирли томонидан тасдиқланадиган хулоса билан расмийлаштирилади.

Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги хулоса асосида рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда Давлат реестрига тегишли маълумот киритилади.

Давлат реестри электрон шаклда юритилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги белги (давлат рўйхатидан ўтказиш рақами ва санаси, шунингдек, давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг гербли муҳри) буйруқ ёки қарорнинг юқори қисмига қўйилади.

Давлат сири ҳисобланган маълумотлар ва махфий маълумотларни ўз ичига олган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмийлаштирилган асл нусхаси идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган вазирлик ёки идорага белгиланган тартибда юборилади.

Келишувчи вазирлик ва идораларга, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган вазирлик ва идора томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг нусхаси тақдим этилади.

Вазирлик ва идоралар давлат рўйхатидан ўтказилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан электрон кўринишда юклаб олишлари мумкин.».

35. Қўйидаги мазмундаги 4¹-боб билан тўлдирилсин:

**«4¹-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги
норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқий
экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш**

101¹. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилган талаблар асосида ишлаб чиқилади.

101². Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳуқуқий нормалар киритилишига йўл қўйилмайди.

101³. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаси вазирлик ва идораларнинг юридик хизмати томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Лойиҳа қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилган, шунингдек, лойиҳада умуммажбурий нормалар қўлланилмаган бўлса, ушбу лойиҳа бўйича юридик хизмат раҳбари томонидан имзоланадиган хулоса тайёрланади.

101⁴. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши ва ҳисобга олиниши шарт.

101⁵. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат уни қабул қилган вазирлик ва идора раҳбари томонидан тасдиқланган ҳолда ушбу техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб, ўн кун ичи-

да вазирлик ва идора раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан имзоланган кузатув хати билан тақдим этилади ва унга юридик хизмат хулосаси илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун битта кузатув хати билан фақатгина битта техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат тақдим этилади.

101⁶. Вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун ягона электрон тизим орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборади.

101⁷. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар қонунчиликка, халқаро шартномалар нормаларига, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини, уларни коррупцияга, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишга шартшароит яратувчи, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этувчи қоидалар ва нормаларни аниқлаш нўқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи масалалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш предмети ҳисобланмайди.

101⁸. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳужжат келиб тушган кундан бошлаб ўттиз кун ичида амалга оширилади.

101⁹. Тақдим қилинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат мазкур Қоидаларнинг 4¹-боби талабларига риоя қилинмаган ҳолда тақдим этилганда ушбу ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш рад этилади.

101¹⁰. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилгандан сўнг, ижобий хулоса берилган тақдирда ҳисобга олинади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш рад этилганда, вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс ҳисобга олиш рад этилган ҳужжатни ўн кун ичида бекор қилиш тўғрисида тегишли ҳужжат қабул қилади ва унинг нусхасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборади. Ушбу ҳужжат ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олмаслиги лозим.

Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш рад этилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар бекор қилинганидан сўнг вазирлик ва идоралар рад этиш сабабларини бартараф этиши

ва ушбу техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун такроран тақдим этишлари мумкин.

101¹¹. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳисобга олинган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар матни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштирилади.

101¹². Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат, агар қонун ҳужжатларида ёки ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлса, унда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат шу санадан бошлаб кучга киради.».

36. 105-банддаги «қарорнинг қоғоздаги нусхаси ва электрон шакли» деган сўзлар «қарор ягона электрон тизим орқали» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

37. 105¹-банднинг биринчи хатбошисидаги «деб ҳисобланаётганда» ва «деб ҳисобланиши» деган сўзлар тегишли равишда «деб топилаётганда» ва «деб топилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

38. Қуйидаги мазмундаги 110¹-банд билан тўлдирилсин:

«110¹. Вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бир хил масаладаги ўзгартириш ва қўшимчаларни битта ҳужжат билан киритиши мумкин.».

39. 111-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилмаган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Давлат реестридан чиқарилиши натижасида юзага келадиган «ҳуқуқий бўшлиқ» оқибатлари учун ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик ва идоралар раҳбарлари жавобгар бўлади.»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

40. 112-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тасдиқланадиган ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида хулоса асосида Давлат реестрига идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топиш ва Давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги маълумот киритилади.».

41. 113-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«113. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат (тузилмавий бирлик) ўз кучини йўқотган деб топилса, ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга (тузилмавий бирликка) ўзгартириш ва қўшимчалар киритган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (уларнинг тегишли тузилмавий бирлиги) ҳам ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим.».

42. 124 ва 128-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

43. 1 — 13-иловалардан «М.Ў.» деган қисқартма чиқариб ташлансин.

44. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ тахрирда 11а ва 11б-иловалар билан тўлдирилсин.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига кири-
тилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
11а-ИЛОВА

НАМУНА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул
қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Х. Хxxxxxxxxxx

Тошкент ш.,
2020 йил 17 сентябрь,
70-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
17 сентябрдаги 70-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул
қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда 429-сон (рўйхат рақами 905, 2000 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 5-сон) билан тасдиқланган Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 2.3-банди қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Кредит сиёсати банкларга тақиқловчи қуйидаги қоидаларни ўз ичига олиши керак:

жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар (қарзлар) бериш ва кредитлар (қарзлар) бўйича уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада ҳисобга олиш;

илгари олинган кредитлар (қарзлар) бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатиш.».».

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/3-сон қарори (рўйхат рақами 1642, 2006 йил 23 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 470-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларида:

а) 6-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«жисмоний шахсларга хорижий валютада микрокредитлар (микроқарзлар) бериш ва микрокредитлар (микроқарзлар) бўйича уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада ҳисобга олишга;

илгари олинган микрокредитлар (микроқарзлар) бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатишга.».»;

б) 71-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.».».

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига кири-
тилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

«Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
116-ИЛОВА

НАМУНА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат
солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган айрим
идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар
кiritиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири**Х. Хxxxxxxxxxx**

Тошкент ш.,
2020 йил 25 март,
17-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Х. Хxxxxxxxxxx

Тошкент ш.,
2020 йил 27 март,
22-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2020 йил 25 ва 27 мартдаги
17, 22-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат
солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган айрим
идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2010 йил 1 майдаги 2010-16, 36-сон «Солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши керак бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорида (рўйхат рақами 2110, 2010 йил 31 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 22-сон, 178-модда):

а) қарорда:

номи ва 1-банддаги «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «солиқлар ва йиғимлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) низомда:

номи ва 1-банддаги «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «солиқлар ва йиғимлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 20 июлдаги 85 ва 2017-33-сон қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 2902, 2017 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 749-модда) Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни миллий валютада сотишдан тушадиган Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбаси сифатида белгиланган маблағларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«солиқлар ва йиғимларнинг тўланиши;».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**303 Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2658-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги 529-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 26 февралдаги ПҚ-4212-сон қарори)»-ги ва 2019 йил 30 октябрдаги 898-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига спорт клублари фаолиятини ҳамда спорт мусобақаларини ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2015 йил 2 февралдаги 72-сон буйруғи (рўйхат рақами 2658, 2015 йил 5 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 9-сон, 106-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 май,
377-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
мудофаа вазирининг 2020 йил 30 майдаги
377-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг
олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашга муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятида юқори натижаларга эришган ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандларига олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун курсантларни қабул қилишнинг умумий сонидан беш фоизли квота ажратилади.».

2. 3-банддаги «2006 йил 14 январдаги ПҚ–257-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан» деган сўзлар «2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ–4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 4-банддаги «шартнома талабларини» деган сўзлар «дастлабки контракт талабларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 8-банднинг олтинчи хатбошидаги «ёзма иш (диктант)» деган сўзлар «номзодларнинг умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш учун ёзма имтиҳон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 11-бандда:

тўққизинчи, ўн учинчи ва ўн бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўнинчи — ўн еттинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўнинчи хатбошидаги «касб-ҳунар» деган сўзлар «бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта махсус профессионал» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 35-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш бўйича ёзма имтиҳон (бундан буён матнда ёзма имтиҳон деб юритилади).».

7. 36 ва 42-бандлар ҳамда 8-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. Қуйидаги мазмундаги 43¹-банд билан тўлдирилсин:

«43¹. Ёзма имтиҳон ушбу имтиҳонни ўтказишга масъул бўлган кичик комиссия томонидан қабул йилининг 25 июнига қадар мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади.».

9. 44 — 46-бандлар қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«44. Номзодларни танлаш тадбирларини ўтказишнинг шаффофлиги ҳамда ҳолислигини таъминлаш мақсадида психофизиологик ўрганиш, компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш ва ёзма имтиҳон ўтказиш жараёни видеокузатув тизимида қайд қилинади.

45. Психофизиологик ўрганиш, компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш ва ёзма имтиҳон тадбирларида номзод томонидан тўпланган баллар қабул комиссияси томонидан умумлаштирилади. Номзоднинг тўплаган балидан келиб чиқиб, уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйиш ёки қўймаслик тўғрисида қарор қабул қилинади.

Бунда, ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларида тўпланиши мумкин бўлган максимал баллнинг 50 фоизи ёки ундан юқори балл тўплаган номзодлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйилади.

46. Қабул комиссияси томонидан қабул йилининг 30 июнига қадар ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларининг яқунлари бўйича мазкур Низомнинг 10а-иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади ва якуний натижалар шу куннинг ўзида номзодларга эълон қилинади.».

10. Қўйидаги мазмундаги 46¹ — 46³-бандлар билан тўлдирилсин:

«46¹. Психофизиологик ўрганиш, компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш ва ёзма имтиҳон натижаларидан норози бўлган номзодларнинг шикоятлари қабул комиссияси раисининг буйруғи билан ҳарбий-профессионал танлаш бўйича комиссиялар ишида қатнашмаган мутахассислардан шакллантириладиган апелляция комиссиясида кўриб чиқилади.

46². Шикоятлар апелляция комиссиясига натижалар эълон қилинган кундан бошлаб икки иш куни ичида тақдим этилиши мумкин. Апелляция комиссияси тақдим этилган шикоятларни улар тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида мурожаат қилган номзод хоҳишига кўра, унинг иштирокида кўриб чиқади.

46³. Апелляция комиссияси томонидан шикоятларни кўриб чиқишда ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларининг тўғри ўтказилганлиги, саволларнинг тўғри тузилганлиги, жавобларнинг ҳолис текширилганлиги ва тўғри баҳоланганлиги ўрганилади ва унинг натижаси бўйича апелляция комиссияси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

номзоднинг шикоятини қаноатлантириш тўғрисида;

натижаларни ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида.

Овозлар нисбати тенг бўлганда апелляция комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Тегишли қарор дарҳол номзодга етказилади.

Апелляция комиссияси қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.».

11. 47 ва 52-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни ўқишга қабул қилишда» деган сўзлар «Олий ҳарбий таълим муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 6-иловада:

а) 8-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) фуқаро ёшлар учун:

11 маротаба ва ундан кўп тортилганда — «аъло»;

9-10 маротаба тортилганда — «яхши»;

7-8 маротаба тортилганда — «қониқарли»;

1 — 6 маротаба ёхуд умуман тортила олмаганда — «қониқарсиз» деб баҳоланади;»;

б) 10-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) фуқаро ёшлар учун:

14,4 сония ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

14,5 — 14,8 сонияда бажарган тақдирда — «яхши»;

14,9 — 15,4 сонияда бажарган тақдирда — «қониқарли»;

15,5 сонияда ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади;»;

в) 12-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) фуқаро ёшлар учун:

13,20 дақиқа ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

13,20 дақиқадан кўп, бироқ 14,0 дақиқагача бажарган тақдирда — «яхши»;

14,0 дақиқадан кўп, бироқ 14,30 дақиқагача бажарган тақдирда — «қониқарли»;

14,30 дақиқадан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади;».

13. 9-илованинг 7-бандидаги «касб-ҳунар таълими» деган сўзлар «бошланғич профессионал, ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 10-илова мазкур қўшимча ва ўзгартиришларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

15. Мазкур қўшимча ва ўзгартиришларнинг 2-иловасига* мувофиқ таҳрирдаги 10а-илова билан тўлдирилсин.

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим
муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимча
ва ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа
вазирлигининг олий ҳарбий таълим
муассасаларига ўқишга қабул қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

**Умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш
бўйича ёзма имтиҳон ўтказиш
МЕТОДИКАСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш бўйича ёзма имтиҳон (бундан буён матнда ёзма имтиҳон деб юритилади) номзодларни умумтаълим фанларини ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш мақсадида номзодларнинг умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш учун ёзма имтиҳон ўтказиш бўйича кичик комиссия (бундан буён матнда кичик комиссия деб юритилади) томонидан мазкур Методикага мувофиқ ўтказилади.

2. Қабул йилининг 1 июнь кунига қадар олий ҳарбий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари (бундан буён матнда қабул комиссияси деб юритилади) томонидан ёзма имтиҳон саволлари шакллантирилади ва тегишли қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади. Ёзма имтиҳон саволлари номзодларнинг умумтаълим фанларини ўзлаштирганлик даражасини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим.

3. Ёзма имтиҳон саволларини шакллантиришда умумтаълим фанларининг дастурларидан фойдаланилади.

4. Ёзма имтиҳон саволлари қуйидаги фанлар бўйича тайёрланади:

математика;

физика;

она тили (адабиёт);

тарих;

география.

5. Саволлар тўплами муҳрланган ҳолда қабул комиссияси масъул котибининг сейфида сақланади. Масъул котиб саволларнинг ошкор қилинмаслиги учун жавобгар ҳисобланади.

6. Ёзма имтиҳонга алоқадор бўлган барча маълумотлар ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари бошланишидан олдин қабул комиссиялари томонидан олий ҳарбий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

7. Ёзма имтиҳон ўтказиш жараёни бўйича қуйидагилар кичик комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ёзма имтиҳон ўтказиш жараёнининг ҳолисона ва адолатли ўтишини таъминлаш;

ёзма имтиҳон ўтказиш учун бино ва хоналарни тайёрлаш;

ёзма имтиҳон ўтказиш билан боғлиқ барча зарур шароитларни яратиш; номзодларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, шунингдек, ёзма имтиҳон натижалари тўғрисида уларга тўлиқ маълумотларни тақдим этиш.

2-боб. Ёзма имтиҳон ўтказиш

8. Номзод ёзма имтиҳонга ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатган ҳолда киритилади.

Ёзма имтиҳон ўтказиладиган хонага луғат, китоб, уяли телефон, компьютер ва бошқа телекоммуникация воситалари, шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

9. Номзодларга ёзма жавоб беришлари учун тегишли умумтаълим фанлари доирасида тузилган 5 та савол берилади.

Бунда, номзод 5 та саволдан иборат бўлган билетлардан бирини танлайди.

Саволларга ёзма жавоб бериш учун номзодларга 60 дақиқа вақт берилади.

10. Ёзма имтиҳон алоҳида жиҳозланган ва нормал кўриш учун етарли даражада ёруғ бўлган хонада ўтказилади.

Битта хонада бир вақтнинг ўзида ёзма имтиҳон топширувчиларнинг сони 30 нафардан ошмаслиги лозим.

11. Имтиҳон жараёнида номзодларнинг хонадан чиқишларига йўл қўйилмайди, ёзма имтиҳоннинг барча саволларига жавоб ёзиб бўлган ва ўз ёзма ишини кичик комиссиянинг тегишли аъзосига топширган номзодлар бундан мустасно.

Ўзбошимчалик билан аудиторияни тарк этган номзодлар ёзма имтиҳон ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва имтиҳондан четлаштирилади. Соғлиғининг ёмонлашиши ва бошқа зарур ҳолатларда имтиҳон материалларини қолдириб, кузатув остида аудиториядан чиқишга рухсат берилади.

12. Номзодларга ёзма имтиҳонни қайта топширишга рухсат берилмайди.

3-боб. Ёзма имтиҳон натижаларини текшириш ва баҳолаш

13. Ёзма имтиҳон натижаларини текшириш ва баҳолаш кичик комиссия аъзолари томонидан коллегиял принцип асосида амалга оширилади.

Бунда, 5 та савол бўйича берилган ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл, нотўғри жавоб учун эса 0 балл қўйилади. Бунда максимал 5 балл тўплашиши мумкин.

14. Ёзма имтиҳонга узрли сабабларсиз қатнашмаган номзодларга балл қўйилмайди.

4-боб. Якуний қоида

15. Ёзма имтиҳон топширган номзодларнинг ёзма ишлари натижалари бўйича қайднома расмийлаштирилади ва унда номзодлар томонидан берилган тўғри жавоблар сони ва улар учун қўйилган баллар кўрсатилади. Қайднома кичик комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади ва шу куннинг ўзида қабул комиссияси масъул котибига топширилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

304 Тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини тайинлаш, халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецептларни расмийлаштириш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3277*

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ–4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 714-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини тайинлаш, халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецептларни расмийлаштириш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 1 июлда эълон қилинган.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 1 июль,
121-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил
1 июлдаги 121-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини тайинлаш,
халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецептларни
расмийлаштириш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул
қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 714-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини тайинлаш, халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецептларни расмийлаштириш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом талаблари дори воситалари билан имтиёзли таъминланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаларига ҳамда таркибида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, прекурсорлар ва захарли моддалар бўлган дори воситаларини беморга тайинлашга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

дори воситалари — касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек, одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат

этилган дори моддалари (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, дори моддалари (субстанциялар), дори препаратлари;

дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи (бундан буён матнда халқаро патентланмаган ном деб юритилади) — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан дори воситаси таркибидаги фаол дори моддасининг (субстанциясининг) қисқартирилган номини бериш орқали дори воситасини идентификация қилиш;

рецепт — шифокорнинг фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассисга дори препаратларини тайёрлаш ва (ёки) бериш ҳамда унинг қўлланилиш усули тўғрисидаги электрон ёки ёзма шаклдаги кўрсатмаси;

электрон рецепт — шифокорнинг фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассисга дори воситасини тайёрлаш ва (ёки) бериш ҳамда унинг қўлланилиш усули тўғрисидаги кўрсатмасини тезкор равишда олиш имконини берувчи электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификациялаш имконини берадиган бошқа реквизитларга эга бўлган электрон ҳужжат;

экстемпорал усулда тайёрланадиган дори воситалари — беморга шифокор томонидан берилган рецепт асосида дорихона шароитида тайёрланган дори препаратлари.

2-боб. Дори воситаларини тайинлаш ва халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецептларни расмийлаштириш

3. Мулкчилик шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар барча тиббиёт ташкилотларида беморга мажбурий тартибда халқаро патентланмаган ном бўйича рецепт ёзилиши лозим.

4. Беморга тайинланган дори воситалари (халқаро патентланмаган номи, бир кунлик дозаси, қабул қилиш ёки юбориш усули, миқдори, давомийлиги ва бошқалар) унинг тиббий ҳисоб ҳужжатларида (касаллик тарихи, амбулатория картаси) қайд қилинади ва бевосита даволовчи шифокор томонидан имзоланади.

5. Беморга дори воситалари ва (ёки) экстемпорал усулда тайёрланадиган дори воситалари даволовчи шифокор томонидан имзоланадиган қоғоз кўринишидаги рецепт бланкаси (бундан буён матнда қоғоз кўринишидаги рецепт деб юритилади) ёки электрон рецепт шаклида расмийлаштирилади.

6. Тиббиёт ташкилотларида беморларга дори воситаларини тайинлаш ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари асосида бир марталик, кунлик ва курс дозаларини аниқлаш орқали касалликнинг тури, оғирлиги ва хусусиятига ҳамда беморнинг ёшини ва дори воситаларини тиббиётда қўлланишига доир йўриқномада кўрсатилган дориларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда даволовчи шифокор томонидан амалга оширилади.

7. Қуйидаги ҳолларда беморга тайинланган дори воситаларининг асослиги тиббиёт ташкилотларининг бўлим мудирини ёки навбатчи шифокорини ёхуд клиник фармакологи билан келишилиши лозим:

беморга бир вақтнинг ўзида беш ва ундан ортиқ дори воситалари (дори воситаларининг туридан қатъи назар) тайинланганда;

асосий касалликнинг асоратлари ёки ҳамроҳ касалликлари мавжуд бўлганда.

Мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда тайинланган дори воситаларининг асослилиги беморнинг тиббий ҳисоб ҳужжатларида (касаллик тарихи, амбулатория картаси) қайд этилиши ва ушбу тиббий ҳужжатлар бевосита даволовчи шифокор ҳамда мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган шахслар томонидан ҳам имзоланиши лозим.

8. Даволовчи шифокор тиббиёт ташкилотларида стационар шароитда даволанаётган беморга ушбу муассасада мавжуд бўлмаган дори воситаларини тайинлаши мумкин.

9. Тиббий кўрсатмалар бўлган ҳолатда (хаётий кўрсатмалари бўйича, индивидуал кўтара олмаслик) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган диагностика ва даволаш стандартларига кирмаган, ушбу муассасада мавжуд бўлмаган дори воситалари шифокорлар консилиуми асосида тайинланади ва тиббий ҳужжатларда қайд этилади.

10. Тиббиёт ташкилотининг даволовчи шифокори томонидан тайинланган рецептда дори воситасининг халқаро патентланмаган номи, таркиби, шакли, уни тайёрлаш ва бериш ҳақидаги ёзма кўрсатмаси лотин тилида, дори воситаларини қўллаш усули эса давлат тилида кўрсатилиши шарт. Зарур ҳолларда рецепт малакали таржимани таъминлаган ҳолда бемор тушунадиган бошқа тилда ёзилиши мумкин.

11. Рецепт беморга унинг ёши, дори воситасини халқаро патентланмаган номи, экстемпорал усулда тайёрланадиган дори воситалари таркибидаги дори моддаларининг номлари, шунингдек, уларнинг дозаси, даврийлиги, қабул қилиш вақти ва давомийлиги, дори воситаларининг озиқ-овқат истеъмолига қараб оқилона қўлланиши (овқатдан олдин, овқатланиш вақтида, овқатдан кейин) кўрсатилган ҳолда мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда берилади.

Бунда, рецептда тайинланган дори воситалари (дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи, бир кунлик дозаси, қабул қилиш ёки юбориш усули, миқдори, давомийлиги ва бошқалар) рецептнинг йиртма қорёғида ҳам бир-биридан фарқланмайдиган ҳолатда кўрсатилиши шарт.

Бунда, рецептда тайинланган дори воситалари (дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи, бир кунлик дозаси, қабул қилиш ёки юбориш усули, миқдори, давомийлиги ва бошқалар) рецептнинг йиртма қорёғида ҳам бир-биридан фарқланмайдиган ҳолатда кўрсатилиши шарт.

12. Даволанаётган беморга (беморнинг қариндошлари ёки унинг ҳолдан хабар олувчи шахсларга) дори воситаларига рецепт берилганлиги ҳақидаги маълумотлар унинг тиббий ҳисоб ҳужжатларида (касаллик тарихи, амбулатория картаси) қайд этилади.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

13. Даволовчи шифокор томонидан қуйидаги ҳолатларда дори воситаларига рецепт расмийлаштирилиши тақиқланади:

мижознинг тиббий кўрсатмаси бўлмаган ҳолатларда;

Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситаларига (орфан дори воситалари бундан мустасно);

фақат тиббиёт ташкилотларида қўллашга мўлжалланган дори воситалари, шу жумладан, наркоз воситаси сифатида ишлатиладиган дори воситаларига.

14. Рецепт ёзишда даволовчи шифокор томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасида* кўрсатилган асосий рецептура қисқартмаларидан фойдаланилиши мумкин.

15. Рецептда айнан қандай дори воситаси ёзилганлигини аниқлашда чалғитувчи ингредиентларнинг номига яқин қисқартмаларни ёзишга йўл қўйилмайди.

16. Ҳар бир тиббиёт ташкилотидаги даволовчи шифокорларга рецепт бланкалари ушбу муассаса раҳбарининг буйруғи билан тайинланадиган жавобгар шахс томонидан, дам олиш ва байрам кунлари, шунингдек, тунги вақтларда эса тиббиёт ташкилотининг масъул навбатчи шифокори томонидан берилади.

Шифокорларга бериладиган рецепт бланкаларининг ҳисоби мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шакл бўйича юритилади.

17. Рецепт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотлари томонидан берилганда уларнинг юқори қисми чап бурчагида тиббиёт ташкилотининг номи ва манзили тегишли штамп қўйилган ҳолда кўрсатилиши, хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан берилганда эса қўшимча равишда рецептнинг юқори қисми ўнг бурчагида ушбу муассасанинг фаолият кўрсатиши бўйича берилган лицензиянинг тартиб рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилиши лозим.

18. Рецептда «Ичиш учун», «Маълум», «Қоида тариқасида» ва бошқа шу каби қисқартма сўзлардан фойдаланиш ман этилади.

Рецептда кўрсатилган маълумотлар аниқ ва тушунарли тарзда тўлдирилиши, унда ўчириш ва тузатишларга йўл қўйилмаслиги лозим.

19. Экстемпорал усулда тайёрланадиган дори воситалари учун рецепт расмийлаштирилишида қаттиқ ва сочилувчан дори моддалари граммларда (0,001; 0,5; 1,0), суюқ дори моддаларининг миқдори миллилитр, томчиларда кўрсатилади.

20. Беморга дори воситаларини шошилиш равишда ёки зудлик билан бериш зарур бўлган тақдирда, рецепт бланкасининг юқори қисмига «cito» (шошилиш) ёки «statim» (зудлик билан) белгиси қўйилади.

21. Тайёр дори воситаси учун рецепт расмийлаштирилганда уларнинг миқдори дори воситасини қўллаш бўйича йўриқномага мувофиқ бўлиши керак.

22. Рецепт даволовчи шифокорнинг имзоси ва шахсий муҳри билан

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тасдиқланиши лозим. Бунда даволовчи шифокор шахсий мухрининг ташқи айлана диаметри 20 мм, кичик айлана диаметри 10 мм, айланалар орасидаги масофа 3 мм ва кичик айлана ичидаги чизик узунлиги 8 мм бўлиши ҳамда катта айлана ичида даволовчи шифокорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, кичик айлана ичидаги чизикда «шифокор» сўзи ёзилади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган талаблар электрон рецептга нисбатан татбиқ этилмайди.

23. Рецептлар даволовчи шифокор томонидан расмийлаштирилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида амал қилади.

24. Касаллиги сурункали бўлган беморлар учун амбулатория шароитида касалликларнинг халқаро таснифи рўйхатига киритилган дори воситалари ҳамда асосий фармакологик таъсирига кўра анаболик фаоллиги билан ажралиб турадиган дори воситаларига рецепт берилганда даволовчи шифокор томонидан истисно тариқасида рецептда уларнинг 60 кунлик даволаш курсига етарли миқдори, қолган тайёр дори воситаларига эса 90 кунлик даволаш курсига етарли миқдори кўрсатилиши мумкин.

Бунда, рецептда дорихонадан дори воситаларини бериш даври (ҳар ҳафта, ҳар ой ва бошқалар) кўрсатилиши шарт. Қоғоз кўринишидаги рецепт «махсус мақсадлар учун» ёзуви билан даволовчи шифокор томонидан имзоланади, электрон рецептларга эса «махсус мақсадлар учун» белгиси ва электрон рақамли имзо қўйилади.

25. Стационар тиббиёт ташкилотида даволанган беморга амбулатория шароитида даволанишни давом эттириш зарур бўлган ҳолларда рецепт тиббиёт ташкилотининг шифокори томонидан беморнинг тиббий ҳужжатларидан олинган кўчирмасидаги даволовчи шифокорнинг амбулатория шароитида дори воситасининг қўлланилиши ҳақидаги тавсиясига асосан берилади.

26. Ушбу Низомда белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилмаган қоғоз кўринишидаги ёки электрон рецепт ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

3-боб. Тиббиёт ташкилотларида беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш

27. Тиббиёт ташкилотлари томонидан стационар шароитида даволанаётган бемор (беморнинг қариндошлари ёки унинг ҳолидан хабар олувчи шахслар) томонидан олиб келинган дори воситалари ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган талабларга жавоб берган ҳолларда қабул қилиниши мумкин.

28. Тиббиёт ташкилотининг даволовчи шифокори томонидан беморнинг дори воситалари қабул қилиб олинаётганда ушбу дори воситалари рецептнинг йиртма корешогида кўрсатилган дори воситалари билан ўзаро мувофиқлиги, шу жумладан, дори воситасида кўрсатилган яроқлилиқ муддати, бирламчи ва иккиламчи ўрамнинг бутунлиги, ташқи кўриниши текширилади ва ижобий хулосага қараб рецептнинг йиртма корешоги беморнинг тиббий ҳужжатида тикилади.

29. Тиббиёт ташкилотларида стационар шароитида даволанаётган беморлар (беморнинг қариндошлари ёки унинг ҳолидан хабар олувчи шахс) томонидан олиб келинган ва алоҳида сақлаш шароитларини талаб этмайдиган дори воситалари бемор жойлаштирилган хонада, алоҳида сақлаш шароитларини талаб этадиган дори воситалари эса ушбу муассасанинг муолажа хонасида сақланади.

30. Тиббиёт ташкилотида даволанувчи беморга дори воситалари даволовчи шифокор томонидан тайинланган усулда ҳар бир дори воситаси учун белгиланган тиббиёт амалиётида қўлланиш йўриқномасига асосан ушбу муассасанинг ҳамшираси томонидан қўлланилади.

31. Дори воситалари беморга электрон рецепт асосида расмийлаштирилганда уларни қабул қилиш тиббиёт ташкилотининг даволовчи шифокори томонидан ягона электрон рецептлар маълумотлар базасида электрон шаклдаги рецепт қайд этилганлиги ва рецепт орқали дори воситалари берилганлиги тўғрисида маълумот сақланиши орқали амалга оширилади.

32. Бемор (беморнинг қариндошлари ёки унинг ҳолидан хабар олувчи шахслар) томонидан даволовчи шифокорга дори воситалари билан биргаликда рецептнинг йиртма корешоги такдим этилмаса ёки унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 185-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 311-бандида кўрсатилган маълумотлар қайд этилмаган бўлса, тиббиёт ташкилотининг даволовчи шифокори томонидан дори воситаларини қабул қилиш тақиқланади.

33. Рецептнинг йиртма корешоги бемор (унинг қариндошлари ёки унинг ҳолидан хабар олувчи шахс) томонидан йўқотилган ёки у яроқсиз ҳолга келиб қолган ҳолатларда дорихона ходими томонидан рецептнинг дорихонада сақланаётган, йиртма корешоги ўрнини босувчи, тасдиқланган нусхаси берилиши мумкин.

Бунда дори воситаларини берган дорихона ходими ўзида сақланаётган рецептнинг нусхасини тасдиқлаб беради ва ушбу рецепт нусхаси рецептнинг йиртма корешоги кучига эга бўлади.

34. Рецепт бланкаларини сақлаш ва йўқ қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 185-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Якуний қоидалар

35. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

36. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат палатаси
раисининг биринчи ўринбосари*

И. ДЖАСИМОВ

2020 йил 1 июль

*Инновацион соғлиқни сақлаш
миллий палатаси раиси*

Р. ИЗАМОВ

2020 йил 1 июль

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил
1 июлдаги 121-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2010 йил 18 июндаги 191-сон «Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек, дорихоналар томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2118, 2010 йил 29 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 26-27-сон, 219-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2013 йил 26 сентябрдаги 327-сон «Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек, дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2118-1, 2013 йил 3 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 40-сон, 538-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 25 августдаги 62-сон «Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек, дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2118-2, 2016 йил 23 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 455-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 15 ноябрдаги 121-сон «Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек, дорихоналар томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2118-3, 2017 йил 22 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2017 й., 10/17/2118-3/0293-сон).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 26 июндаги 147-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3250.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/3-сон «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-12.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 7-мх-сон, 21-2020-қ/қ-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлари бўйича намунавий йиллик иш режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3058-1.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 29 июндаги 150-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-10.

5. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2020 йил 30 майдаги 377-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2658-3.

6. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил

1 июлдаги 121-сон «Тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини тайинлаш, халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецептларни расмийлаштириш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3277.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги Малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2151, 2010 йил 29 октябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2151-1, 2010 йил 3 октябрь), (рўйхат рақами 2151-2, 2014 йил 26 сентябрь), (рўйхат рақами 2151-3, 2015 йил 29 декабрь), (рўйхат рақами 2151-4, 2018 йил 6 январь), (рўйхат рақами 2151-5, 2018 йил 10 май), (рўйхат рақами 2151-6, 2018 йил 26 декабрь).

Адлия вазирининг 2020 йил 26 июндаги 147-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг «Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек, дорихоналар томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2118, 2010 йил 29 июнь), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2118-1, 2013 йил 3 октябрь), (рўйхат рақами 2118-2, 2016 йил 23 сентябрь), (рўйхат рақами 2118-3, 2017 йил 22 ноябрь).

Адлия вазирининг 2020 йил 1 июлдаги -мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Тузатиш

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й., 23-сон, 254-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

254 Ижтимоий ходимларнинг мақоми, вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3240

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сон «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ижтимоий ходимларнинг мақоми, вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 май,
14-2020 қ/қ-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 июнда эълон қилинган.

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 май,
6-мҳ-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 май,
33-қ/қ-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 май,
16-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 май,
71-сон

Мактабгача таълим вазири

А. ШИН

Тошкент ш.,
2020 йил 15 май,
8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,
Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача
таълим вазирлигининг 2020 йил 15 майдаги
14-2020 қ/қ, 6-мх, 33-қ/қ, 16,
71, 8-сон қарорига
ИЛОВА

**Ижтимоий ходимларнинг мақоми, вазифалари,
функциялари ва малакавий талаблари тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома ижтимоий ходимларнинг мақоми, вазифалари, функциялари ва уларга қўйиладиган малакавий талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ижтимоий ходим — ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкиллаштирадиган ёки бевосита ижтимоий хизматларни кўрсатувчи зарур касбий малакага эга бўлган шахс;

ижтимоий хизмат — шахснинг турмуши сифатини оширишга, унга жамият ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг бўлган имкониятларини яратишга ва (ёки) ўзининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган хизматларга муҳтож шахсга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимга оид, тиббий, реабилитация чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий хизматларга муҳтож деб топилган шахслар, шу жумладан, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ногирон болалар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахслар.

2. Ижтимоий ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, лавозим маошларига қўшимчалар ва устамалар, шунингдек, мукофотлар ва бошқа барча турдаги тўловлар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилган локал ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

3. Ижтимоий ходимнинг қуйидаги лавозимлари мавжуд:

барча соҳаларда ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича мутахассис;

барча соҳаларда ижтимоий хизматларни кўрсатувчи ижтимоий ходим; ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи

кексаларга, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматларни кўрсатувчи ижтимоий ходим ассистенти.

4. Мазкур Йўриқноманинг 3-бандида кўрсатилган лавозимларнинг лавозим йўриқномалари қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади.

2-боб. Барча соҳаларда ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича мутахассиснинг вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари

5. Барча соҳаларда ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича мутахассис қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар жараёнини бошқариш ҳамда ижтимоий вазиятлар бўйича ишларни юритиш;

турмуш шароитини комплекс баҳолаш, ижтимоий хизматлар режасини ишлаб чиқиш, кўрсатиладиган ижтимоий хизматларни мувофиқлаштириш, мониторингини амалга ошириш ва натижасини баҳолаш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларга ижтимоий ёрдам беришнинг оптимал шакллари аниқлаш ва қўллаш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини комплекс ижтимоий ҳимоя қилинишини ташкиллаштириш;

ўз иш фаолиятида аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг илмий асосли ёндашувларини қўллаш;

ногиронлиги бўлган шахсларга салбий таъсир кўрсатувчи шахсий, ижтимоий ва маънавий характерга эга бўлган қийинчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишда кўмаклашиш;

ҳуқуқий, профилактик, реабилитацион ва терапевтик хусусиятга эга психоижтимоий хизматлар кўрсатиш орқали аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига оғир турмуш шароитидан чиқишга кўмаклашиш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига ўзларининг ҳаётий вазиятини яхшилаши учун шахсий имкониятларидан кенг фойдаланишига ёрдам бериш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилишда барча мавжуд воситалардан самарали фойдаланиш.

6. Барча соҳаларда ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича мутахассис қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ижтимоий-ҳуқуқий йўналтирилган функцияларни амалга оширишда: соғлиқни сақлаш, таълим, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларида шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижтимоий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилиш, улар билан белгиланган тартибда маълумотлар алмашиш;

давлат органлари ва ташкилотларига аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш;

жисмоний, жинсий зўравонлик ва мажбурлаш ҳолатлари бўйича аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этишда кўмаклашиш;

муаммоли ва низоли оилаларни мониторинг қилиш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш;

оиладаги муаммоли вазиятлар ёки низоларни бартараф этишда иштирок этиш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қонунда белгиланган имтиёзлар, пенсия ва нафақалар, шунингдек, бошқа турдаги ижтимоий ёрдам турлари тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек, пенсия ва нафақалар тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни йиғиш ва расмийлаштиришда кўмаклашиш;

ижтимоий ҳимояга оид масалалар бўйича методик материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

гуруҳ ва индивидуал тарзда психотерапия ўтказиш ҳамда маслаҳат бериш;

давлат ва жамият учун хавфли бўлган ҳаракатлар, жумладан, фавқулодда вазиятлар (табiiй офатлар, эпидемия, ҳарбий ҳаракатлар) ва уларнинг оқибатларини олдини олишда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

ижтимоий хизматлар соҳасида васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларга маслаҳат ёрдами бериш ҳамда уларни ижтимоий-ҳуқуқий, психологик-педагогик, тиббий жиҳатдан комплекс қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун маиший ва ижтимоий-реабилитацион хизматлар, шунингдек, қулай инфратузилмалар яратилишига кўмаклашиш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига уй-жой шароитларини яхшилаш ва ижтимоий-маиший муаммоларини бартараф этишда кўмаклашиш;

ишсиз шахсларни ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш ёки қайта ўқитишга кўмаклашиш;

коммуникатив, ҳаётiiй, ижтимоий ва ўз-ўзини руҳiiй бошқариш кўникмаларини ривожлантириш бўйича маслаҳатлар (тренинглар) ўтказиш;

б) тиббий-ижтимоий йўналтирилган функцияларни амалга оширишда:

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига саломатлик, яшаш шароитлари, озик-овқат ва бошқа маҳсулотлар тўғрисида маслаҳат бериш ва маълумот етказиш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг тиббий-ижтимоий хизматларга бўлган ҳуқуқлари ва муаммолари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ушбу хизмат турларини кўрсатиш тартиби тўғрисида маълумот етказиш;

саломатлиги бўйича муаммолари бўлган аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини парваришлаш ва уларга тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкиллаштириш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам беришни мувофиқлаштириш;

паллиатив (руҳий-ижтимоий ва маънавий қўллаб-қувватлаш орқали ҳаётига таҳдид солувчи касаллик муаммолари билан тўқнашган беморлар ва уларнинг оилаларини ҳаёт сифатини яхшилаш учун) ёрдамни ташкиллаштириш;

ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар (руҳий касалликлар, ОИВ/ОИТС, туберкулёз, онкологик, психофаол моддаларга қарам ва бошқа) билан касалланган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш;

в) интегратив функцияларни амалга оширишда:

индивидуал, гуруҳ ва ҳудудий даражадаги соматик, руҳий, репродуктив саломатликнинг ижтимоий аҳамиятга эга касалликларининг профилактик чораларини амалга оширишда ёрдам бериш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларида соғлом турмуш тарзига бўлган муносабатини шакллантириш;

оилани режалаштириш, ногиронликнинг олдини олиш масалаларини ёритиш; ногиронлиги бўлган шахсларнинг тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказилишини ташкиллаштириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитациясини ташкиллаштириш;

клиник тиббиётнинг психиатрия, наркология, онкология, гериатрия, жарроҳлик, акушер-гинекология ва бошқа соҳаларида ижтимоий хизматларни ташкиллаштириш;

ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олиш, ушбу касалликка чалинганлар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш;

реабилитацион, психологик-педагогик, ижтимоий-ҳуқуқий турдаги ўз-ўзига ва ўзаро кўмаклашувчи терапевтик жамоаларни шакллантириш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун тиббий-ижтимоий комплекс дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ижтимоий муаммоларини бартараф этишда муқобил касбдаги мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ижтимоий муаммолари сабабини аниқлаб, шахс ва оилаларни тегишли ташкилотларга йўналтириш ҳамда зарур ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатилишида ҳамкорлик қилиш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар режасини тузиш ва уларнинг сифатини мониторинг қилиш;

ногиронлиги бўлган ва психожисмоний ривожланишида муаммолари бўлган фарзандлари бор оилалар, қочоқлар ва кўчишга мажбур бўлган оилалар, байналмилал бурчини ўтаган шахслар ва тинч даврда ҳарбий ҳаракатлар иштирокчиларининг оилалари, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбияланаётган оилаларга, шунингдек, ёлғиз кексалар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий патронажни амалга ошириш;

даволаш-соғломлаштириш, таълим-тарбия, ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларига йўлланма бериш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, ногиронлиги бўлган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа шахсларни давлат ижтимоий муассасаларига жойлаштиришда кўмаклашиш;

ногиронлиги бўлган ёки ҳаракатланишида муаммолари бўлган шахсларга реабилитация техник воситаларини олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш;

ижтимоий хизматлар кўрсатишда кўп болали оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, меҳнатга лаёқатсиз шахсларга ёрдам берувчи турли давлат, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва муассасалар фаолиятига кўмаклашиш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига қисқа ёки узоқ муддатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шифохонага жойлаштириш, шунингдек, васийлик ва ҳомийликни белгилаш учун ҳужжатларни тайёрлашда ва расмийлаштиришда кўмаклашиш;

тиббий-ижтимоий патронажга муҳтож шахсларни аниқлаш, кўрсатилаётган хизмат турларининг сифати ва динамикасини таҳлил қилиш;

ижтимоий хизматлар дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ижтимоий масалалар бўйича семинарлар ташкиллаштириш ва уларни ўтказишда иштирок этиш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига ижтимоий масалалар бўйича маслаҳат бериш;

иш фаолиятига оид зарур ҳужжатларни юритиш.

7. Барча соҳаларда ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича мутахассис лавозимида қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

олий тоифа — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий, педагогик, психологик, юридик) соҳада олий (бакалаврият, магистратура ёки олий таълимдан кейинги таълим) маълумотга, ижтимоий хизмат бўйича қайта тайёргарлик тўғрисидаги диплом ва ижтимоий соҳада беш йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;

биринчи тоифа — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий, педагогик, психологик, юридик) соҳада олий (бакалаврият, магистратура ёки олий таълимдан кейинги таълим) маълумотга, ижтимоий хизмат бўйича қайта тайёргарлик тўғрисидаги диплом ва ижтимоий соҳада уч йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;

иккинчи тоифа — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий, педагогик, психологик, юридик) соҳада олий (бакалаврият) маълумот, ижтимоий хизмат бўйича қайта тайёргарлик тўғрисидаги диплом ва ижтимоий соҳада бир йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;

тоифасиз — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий, педагогик, психологик, юридик) олий (бакалаврият) маълумотга эга бўлиши, меҳнат стажига талаб этилмайди.

3-боб. Барча соҳаларда ижтимоий хизматларни кўрсатувчи ижтимоий ходимнинг вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари

8. Барча соҳаларда ижтимоий хизматларни кўрсатувчи ижтимоий ходим иш берувчи ташкилотда ташкил этилган штат бирлигига асосан қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ижтимоий хизматлар соҳасидаги органлар ва ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматларни амалга ошириш;

ижтимоий хизматларга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг комплекс ижтимоий ҳимоясини таъминлаш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлиш хавфида бўлган болалар, зўравонликдан жабр кўрган, психожисмоний ривожланишида нуқсони ва (ёки) ногиронлиги бўлган ва бошқа ҳимояга муҳтож болаларни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг шахсий, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлари ҳамда қонунӣ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат таълим-тарбия, даволаш-соғломлаштириш, ижтимоий ҳимоя муассасаларини битираётган болалар, шунингдек, уюлмаган ёшларнинг мустақил ҳаётга ижтимоий мослашувлари давомида юзага келувчи муаммоларини ҳал этиш чораларини кўриш.

9. Барча соҳаларда ижтимоий хизматларни кўрсатувчи ижтимоий ходим қуйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижтимоий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда ижтимоий хизматлар кўрсатиладиган шахсларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига қисқа ёки узоқ муддатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шифохонага жойлаштириш, шунингдек, васийлик ва ҳомийликни белгилашда кўмаклашиш;

вояга етмаганларнинг, жумладан, Болалар уйи, «Меҳрибонлик» уйи, «Болалар шаҳарчаси», «SOS — болалар маҳаллалари», оилавий болалар уйи, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчиларининг мулкӣ ҳуқуқларини (алимент, боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия ёки нафақа ва қонун билан белгиланган бошқа имтиёзлар) ҳимоя қилиш ҳамда тегишли ҳужжатларини расмийлаштиришда кўмаклашиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини олинишини таъминлаш, доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш масалаларини амалга оширишда кўмаклашиш;

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар, ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан, шунингдек, судда алимент ундириш, ота-оналарни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки тиклаш тўғрисидаги даъво аризалари юзасидан ҳуқуқшуносга асослантирилган материал тайёрлашга кўмаклашиш;

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги ёки уларга нисбатан ёмон муносабатда бўлганлик ҳолатлари тўғрисида маълумот келиб тушган ҳолларда, уларнинг ҳаётий вазиятини баҳолаш, ҳимоя ва реабилитация қилиш чораларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчилари билан ишлаш вазифалари, шакллари ва услубларини, замонавий технологиялар, шу жумладан, ахборот технологиялари, рақамли таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда шахсий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш усуллари-ни белгилаш;

болалар ва ёшларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини, қийинчиликлари ва муаммоларини, зиддиятли вазиятларини, уларнинг хулқ-атворидаги қийинчиликларни аниқлаш, ўз вақтида бола, ёшлар ва уларнинг оиласига руҳий-ижтимоий кўмак бериш ҳамда қўллаб-қувватлаш;

ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ходимларининг ижтимоий кўникмалари ва ташаббусларини ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларни, ижтимоий лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш ҳамда уларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

васийлик ва ҳомийлик ҳамда болаларни оилаларга тарбияга беришни (патронат) расмийлаштиришда болалар ва оилаларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш;

ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда оилаларга тарбияга берилган (патронат) болалар ва ёшлар учун ёзги соғломлаштириш ва дам олишини таъминлаш чораларини ташкил этиш;

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга давлат ҳамда ҳомийлар томонидан берилган кийим-бош, пойабзал ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланишини назорат қилиш;

ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчиларини касбга йўналтиришга оид ишларни амалга оширишда иштирок этиш;

ҳисоботлар, статистик маълумотлар, ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчиларининг батафсил рўйхатларини шакллантириш, ота-она қарамогисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида маълумотлар базасига киритиш;

соғломлаштириш, тарбиялаш ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш, ота-оналар, шу жумладан, тутинган ота-оналарга услубий ва маслаҳат ёрдами беришни ташкил этиш.

10. Барча соҳаларда ижтимоий хизматларни кўрсатувчи ижтимоий ходим лавозимида қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

олий тоифа — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий,

педагогик, психологик, юридик) соҳада олий (бакалавриат, магистратура ёки олий таълимдан кейинги таълим) маълумот, ижтимоий хизмат бўйича қайта тайёргарлик тўғрисидаги диплом ва ижтимоий соҳада беш йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;

биринчи тоифа — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий, педагогик, психологик, юридик) соҳада олий (бакалавриат, магистратура ёки олий таълимдан кейинги таълим) маълумот, ижтимоий хизмат бўйича қайта тайёргарлик тўғрисидаги диплом ва ижтимоий соҳада уч йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;

иккинчи тоифа — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий, педагогик, психологик, юридик) соҳада олий (бакалавриат) маълумот, ижтимоий хизмат бўйича қайта тайёргарлик тўғрисидаги диплом ва ижтимоий соҳада бир йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;

тоифасиз — ижтимоий хизмат ёки муқобил (ижтимоий, тиббий, педагогик, психологик, юридик) олий (бакалавриат) маълумотга эга бўлиши, иш стажи талаб этилмайди.

**4-боб. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз
кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, шунингдек, ногиронлиги
бўлган шахсларга ижтимоий хизматларни кўрсатувчи
ижтимоий ходим ассистентининг вазифалари,
функциялари ва малакавий талаблари**

11. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматларни кўрсатувчи ижтимоий ходим ассистенти (бундан буён матнда ассистент деб юритилади) қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиш мақсадида уларнинг илгари ишлаган меҳнат жамоалари, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан алоқаларини олиб бориш;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексаларни интернат-уйларига жойлаштириш учун кўмаклашиш;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун зарур озиқ-овқат, саноат маҳсулотлари ва дори-дармонларни уйга етказиб бериш;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг уй-жой ашёлари ва кийим-кечакларни ювиш, кимёвий тозалашга топшириш, таъмирлаш ва уларни етказиб бериш;

зарур тиббий ёрдам кўрсатилишида кўмаклашиш, тиббий кўрсатмаларга кўра протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш ишларида, уй-жойни тозалашда, хонадон ичидаги сантехник жиҳозларни таъмирлашда кўмаклашиш;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг қариндош ва дўстлар билан ёзишмалар олиб боришларига кўмаклашиш.

12. Ассистент ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматларни кўрсатиш бўйича қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга комплекс ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни амалга ошириш;

ўзига бириктирилган ҳудуддаги ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга маиший масалаларни ҳал этишда ёрдам бериш;

ногиронлиги бўлган шахсларга реабилитация хизматлари кўрсатилишида, шунингдек, протез-ортопедия буюмларини ва реабилитация техник воситаларини олишда кўмаклашиш.

13. Ассистент лавозимида қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

биринчи тоифа — ўрта махсус, касб-ҳунар, бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта махсус профессионал маълумоти (ижтимоий, педагогик, тиббий) ёки умумий ўрта таълим ва касбий таълим ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат ва иккинчи тоифали ассистент лавозимида бир йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;

иккинчи тоифа — ўрта махсус, касб-ҳунар, бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта махсус профессионал маълумоти (ижтимоий, педагогик, тиббий) ёки умумий ўрта таълим ва касбий таълим ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат, тоифасиз ассистент лавозимида бир йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;

тоифасиз — ўрта махсус, касб-ҳунар, бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта махсус профессионал маълумот ёки умумий ўрта таълим ва касбий таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлиши, меҳнат стажи талаб этилмайди.

5-боб. Якуний қоида

14. Мазкур Йўриқнома талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.»

